

**Наманган муҳандислик-
педагогика институти**

«Касб таълими» факультети

«Информатика ва АТ» кафедраси

**Маҳалла фуқаролар йиғинини WEB
сайтини яратиш
(Наманган шаҳар МФЙ мисолида)**

**Битирувчи: 9-КТИАТ-10 гуруҳи
талабаси Нажмиддинов Сирожиддин**

Илмий раҳбар: доц. С. Хошимов

Наманган – 2014 йил

Маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратиш (Наманган шаҳар МФЙ мисолида)

Кириш

I. Асосий қисм.

- 1.1. Масаланинг ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш..
- 1.2. Маҳалла фуқаролари йиғинлари WEB сайтини яратиш масаласининг қўйилиши .
- 1.3. WEB сайтини яратиш имкониятлари.
- 1.4. WEB сайтини яратишда фойдаланиладиган дастурий воситалар таҳлили.
- 1.5. Маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратиш технологияси:
 - 1.5.1. WEB сайтини яратиш учун маҳалла фуқаролар йиғини структураси асосида бўлимларни шакллантириш.
 - 1.5.2. WEB сайти намойиши учун информацион таъминотини ишлаб чиқиш.
 - 1.5.3. Маҳалла фуқаролари йиғини WEB сайтини намойиш этиш учун зарур бўлган дастурни ишлаб чиқиш ва уни ишга тушириш.
- 1.6. WEB сайтидан фойдаланиш йуриқномасини ишлаб чиқиш.
- 1.7. WEB сайти дастурини таннархи ва сотув баҳосини аниқлаш.

II. Методик қисм .

- 2.1. Ўзбекистонда педагогик технологиянинг эмпирик асосини яратишга ҳаракат қилинишида давлат томонидан қўллаб қувватлашлар.
- 2.2. Мавзуни интерфаол усулда ўқитиш имкониятлари.
- 2.3. Мавзунинг аниқлаштирилган ўқув мақсадлари, ўқув модул бирликлари ва муаммоли вазиятлар.
- 2.4. Мавзу бўйича амалий дарснинг технологик харитаси.
- 2.5. “WEB дизайн асослари” ” мавзусидаги амалий дарсни ўтказиш сценарийси

III. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисми.

3.1

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .

Иловалар.

1. Дастур матни
2. Интернет маълумотлари.

Маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратиш
(Наманган шаҳар МФЙ мисолида)

Кириш

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегияси ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиши борасидаги мақсад-муддаоларини миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини фуқаролар онгига сингдиришда маънавий-тарбиянинг турли шаклларида оқилона фойдаланилишини тақозо этади.

Инсон фаолиятининг барча соҳаларида, жумладан ўзини ўзи бошқариш органлари(Маҳалла фуқаролари йиғини) фаолиятида ҳам замонавий компьютер техникаси воситларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, замонавий компьютерлардан амалий иш фаолиятида кенг фойдалана оладиган етук маҳалла ходимлари самараси юқори бўлиб, аҳоли истакларини, ахборотга бўлган эҳтиёжларини тезроқ қондиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда адолатли, эркин, кучли фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этилмоқда. Истиқлол туфайли маҳалла ўз нуфузини қайта тиклади. Бугун кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзини ўзи бошқариш органларининг, жумладан, маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги йиллар давомида давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида ва реал иқтисодиётида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва бошқа олиб борилган ишларда маҳалла фаолияти бутунлай янги мазмун кашф этди.

Мамлакат миқёсидаги бундай саййи-ҳаракатлар давлат бошқаруви тизимида ва ўз навбатида ЎЎБОлари тизимида ҳам модернизация қилишни тақозо этади. Келгусидаги жамият тараққиёти ва ўзгаришлар, маҳалла ва унинг фаолияти жараёнига алоқадор идоралар ўртасидаги ахборот ҳажмини бир неча марта оширади ва тезлаштиради. Юзага келган ҳолат замонавий

ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланишни, бунинг учун эса, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишни ўта муҳимлигини кўрсатади. Шу маънода, маҳалла фуқаролари йиғини фаолиятини такомиллаштириш ва демократик руҳда шакллантириш мақсадида унинг **WEB** саҳифасини яратиш зарурияти келиб чиқади.

МФЙ фаолиятида **WEB** саҳифалар ёрдамида алоқадор идоралар билан ахборотлар алмашиш эҳтиёжи туғилмоқда. Бундай эҳтиёж Интернет глобал компьютер тармоқларини мамлакатлараро ҳамкорлик дастури ёрдамида амалга оширилади. Мамлакатимизда ва бутун дунё ҳамжамиятида ижтимоий ва иқтисодий мақсадлар, шу жумладан бизнес учун кўплаб компьютер тармоқлари ташкил этилган. Бу тармоқ ёрдамида МФЙ ходимлари ва ҳудуд фуқаролари ўз фаолияти томонидан қилинган ишлар ва ишлаб чиқарган маҳсулотлари ёки ўзининг имкон даражасидаги хизматларини реклама қилиш имкониятлари мавжуд. Бу рекламалар орқали ахборот бошқа маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи ҳар бир фуқарога, ҳатто бошқа мамлакат фуқароларига ҳам етиб бориши мумкин. Кўплаб тармоқларни ўзида бирлаштирган ва дунё ҳамжамиятига кириш имконияти мавжуд бўлган Internet- фойдаланувчи ҳар бир фуқарога рекламалар орқали чексиз ахборот ресурсларини тақдим этиши мумкин. Ушбу ресурсларга кириш учун мос келувчи амалий дастурий таъминотдан фойдаланиш керак. Дўстона график интерфейсли Internet хизматидан ҳар бир маҳалла фуқаросининг фойдалана олиши учун имконият яратилади.

Шу мазмунда, давр тақозоси билан демократик жамиятни ошкоралик тамойилида шакллантиришда, МФЙ фаолиятида **WEB** саҳифалардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга ва шунинг учун ҳам танланган мавзу долзарбдир.

МФЙ фаолиятида **WEB** саҳифаларни ишлашини таъминловчи дастур график интерфейсли хусусиятига эга: у фойдаланувчига барча тизимли архитектура билан ва ҳар қандай компьютер платформасида сақланадиган

маълумотлар билан ишлаш имконини беради, ер юзидаги исталган фукаро билан мулоқот қилиш ҳолати юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси нинг “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” , “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги” ҳамда “Электрон имзо тўғрисидаги” қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот- коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисидаги 1730-сонли қарори қабул қилиниши муносабати билан мамлакатимизда, шу жумладан, вилоятимизда ҳам 2012-2014 йиллар даврида АКТ соҳасини бундан юқори даражага кўтариш учун маҳалла фаолияти ишларини реклама қилиш орқали ижтимоий ва аҳамиятга эга бўлган маҳалла идорасини ходимларини ва фуқароларини фаолиятларини рўёбга чиқариш кўзда тутилади.

Битирув малакавий ишни бажаришдан **мақсад**, маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ошқоралигини намоён этувчи ва фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда уларнинг дунё ҳамжамиятида ўз мулоҳаза ва муносабатлари билан қатнашишини таъминлашга хизмат қилувчи дастурни яратишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифалар** амалга оширилади:

- масаланинг ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш;
- маҳалла фуқаролари йиғинлари WEB сайтини яратиш масаласини қўйиш;
- WEB сайтини яратиш имкониятларини ўрганиш;
- WEB сайтини яратишда фойдаланиладиган дастурий воситаларни таҳлил қилиш;
- маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратиш технологиясини яратиш;
- WEB сайтидан фойдаланиш йуриқномасини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, кўйилган масаланинг мақсади ва вазифалари ва уни ҳал этишга доир маълумотлар келтирилган.

Асосий қисмда: Масаланинг ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш ёритилади; маҳалла фуқаролари йиғинлари WEB сайтини яратиш масаласининг кўйилади; WEB сайтни яратиш имкониятларини ўрганиб чиқилади ва WEB сайтини яратишда фойдаланиладиган дастурий воситалар таҳлил қилинади; маҳалла фуқаролар йиғини WEB сайтини яратиш технологияси қуйидаги босқичлардан ташкил топган: WEB сайтини яратиш учун маҳалла фуқаролар йиғини структураси асосида бўлимларни шакллантириш; WEB сайти намоиши учун информацион таъминотини ишлаб чиқиш; маҳалла фуқаролари йиғини WEB сайтини намоиш этиш учун зарур бўлган техник таъминотни танлаш ва асослаш; маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратишда замонавий дастур воситадан фойдаланиш ва уни ишлаб чиқиш; маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини ишга тушириш; маҳалла фуқаролари йиғинлари маълумотлари асосида Маҳалла фуқаролар йиғини WEB сайтини синовдан ўтказиш; WEB сайтидан фойдаланиш йуриқномасини ишлаб чиқиш; WEB сайти иқтисодий самарадорлиги, таннархи ва сотув баҳосини аниқлашдан иборат.

Методик қисмда: замонавий педагогик технологиялар таҳлил этилган ҳолда амалий машғулот мавзуси учун дарс ўтиш сценарийси ва тузилган дастур таъминотдан дарс ўтиш жараёнида фойдаланиш методикаси келтирилган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисмида компьютердан фойдаланишда хавфсизликларга амал қилиш қоидалари қайд этилган.

Хулосалар қисмида мавзуга оид тадқиқотлар натижалари келтирилиб, дастурий таъминот қўлланилишдан самаралар асосланади.

Фойдаланилган адабиётлар қисмида ушбу мавзуга доир фойдаланилган адабиёт рўйхати келтирилди.

Иловаларда асосий қисм бандларини янада ёритишга асос бўлувчи материаллар келтирилган. Умуман битирув малакавий иши: кириш, асосий қисм, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисми, хулосалар ва иловалар қисмидан иборат бўлиб, __бет саҳифани ташкил этади. Ушбу тайёрланган дастурий таъминотдан маҳалла фаоллари, педагогик касбини эгаллаётган барча талабалар, фанни мустақил ўрганувчилари, магистрлар ва ўқитувчилар фойдаланиши кўзда тутилади.

1.1. Масаланинг ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш.

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларининг ижтимоий, иктисодий, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этилиши, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан «Интернет»га кириб боришни кенгайтирилиши, ўз навбатида жамиятни ахборотлаштириш билан бирга унга мос компьютердан фойдаланувчини ҳам малакасини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Маълумки бугунги кунда Интернет имкониятларини ортиб бориши туфайли, фойдаланувчиларни ахборотга бўлган эҳтиёжларини янада ортириб, янгиликлар билан танишиш, билимга эга бўлиш, ўқиш, илғор технологиялар ва тажрибалар билан танишиш, иш муносабатларини тезда ҳал қилиш, истеъмолчининг талаби ва муаммоларини билиш, махсулот баҳосини назорат қилиш ва бошқа кўплаб ишларни тезда ҳал этишга шароит яратилмоқда, айниқса, Интернет орқали реклама қилиш кундан кунга ривож топмоқда.

1990 йилга келиб, АҚШнинг 60-70 млн. меҳнат билан банд бўлган аҳолиси ахборот хизмати билан, ривожланган давлатларнинг (Европа давлатлари, Япония ва бошқалар) аҳолисини деярли 30 фоизи бу соҳада хизмат қиладилар. Бугунги кунда бу кўрсаткич янада ортмоқда.

Ўзбекистонда давлат томонидан аҳолини, ҳатто чекка қишлоқларда компьютер технологиясидан фойдаланиш имкониятларини яратилиши ҳамда давлат Дастурларида ахборотлаштириш жараёнига алоҳида эътиборни қаратилиши кенг оммани Интернет тизимидан фойдаланишга қизиқишини янада ортирди ва уларни ахборот маданиятини оширди.

1995-йил февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ЎзПАК "Маълумотлар узатиш миллий тармоғини яртиш (МУМТ) ва халқаро тармоқларга, шу жумладан, Интернетга чиқиш туғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан, корхона телекоммуникация хизматларини кўрсатиш буйича „Миллий оператор ва провайдер“ мақомини олди ва „УзНЕТ“ информацион-компьютер хизмати унинг таркибига киритилди.

2003-йилда қабул қилинган янги тахрирдаги „Ахборотлаштириш туг-
рисиди“ги Конун билан унинг ҳукукий таянчи яратилди. Жамиятни
компьютерлаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича
вазифаларни ҳал этиш учун 2002-йил 30-майда Ўзбекистон Республикаси
Президентининг „Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-
коммуникация технологияларини жорий этиш тугрисиди“ги Президент
Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди ва
2002-2010-йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация
технологияларини ривожлантириш дастурини тасдиқлади. Унда
телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишни ривожлантириш, ахборот
ресурсларидан фойдаланиш, Интернет тармоғида ўз сайтларини яратишнинг
мақсадли йуналишлари белгиланди. Кейинги йилларда давлат Дастурларида
бу соҳани янада ривожлантириш учун алоҳида эътибор қаратилди.

„Ахборотлашган жамият“ тушунчасини биринчилар қаторида америкалик
иктисодчи олим Ф. Махлуп илмий доирага киритган. У монополия
рақобатида патентлаштириш тизимининг тутган урнини статистик усуллар
асосида ўрганиб, АҚШ ялпи ички маҳсулотида ахборотнинг миқдорий
жихат-дан тавсифланишини куриб чиқди. Кейинчалик АҚШ ва бошқа
мамлакатларда „ахборотлашган жамият“ концепциясини П. Драккер, Д. Белл,
Э. Паркер, М. Порат, А. Тоффлер, А. Мол, Ж. Стиглер, К. Эрроу каби бир
қатор иктисодчилар олдинга суришди. Ҳозирги кунда улар олиб борган
тадқиқотлар натижаси улароқ миллий иктисодда “ахборот тармоғи”,
„ахборот иктисоди“ ва „ахборотлашган жамият“ каби концепциялар вужудга
келган.

Доктор Марк Ури Порат эса, мавжуд миллий ҳисоблар тизимида
асосланган ҳолда миллий иктисодда ахборот фаолиятининг ҳажмини
белгилашга интилади. Унинг фикрича, ахборот билан боғлиқ фаолият
замонавий жамиятнинг энг асосий элементларидан эканлиги башорат этилди.

Амалиёти ривожланган мамлакатларда фан ва ахборот-
коммуникациялар технологияларининг такомиллашиб бориши

ахборотлашган жамиятни шакллантириш бўйича ўзининг назарий таклифларини берган олимларнинг ғоялари ўз ўрнини топаётганини кўрсатмокда. Башорат килишларига караганда, бутун жахон мамлакатлари ягона компьютерлаштирилган ва ахборотлаштирилган кишилар жамиятига айланиб боради.

Шу ўринда республикаимизнинг таникли олимлари академиклар В. К. Қобулов, С. С. Гуломов, профессорлар Беркинов Б., А. А. Абдугаффоров, Р. Х. Алимов, Арипов, Қ.Собиров, М. Ирматов, Т. Ш. Шодиев, Д. Н. Ахмедов, Б. М. Исмоилов, З. Т. Одилова ва бошқаларнинг мазкур муаммога бағишланган илмий ишларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Юқорида келтирилган асослар ва бу соҳага айниқса, ахборот хизматида бўлган талабни ошириш нафақат ижтимоий, балки бизнес йўналишига, жумладан, ташкилотлар ўз маҳсулотлари, хизматларини намойиш(реклама) қилиш учун веб саҳифаларини яратиш керак бўлиб қолди.

Интернетнинг WWW хизмати кундан-кунга ривожланиб, мукаммал маълумотлар манбасига айланиб бормокда. Унинг ёрдамида исталган соҳада, исталган мавзуда ва исталган вақтда маълумотларни кидириб топиш, улардан фойдаланиш, зарур бўлса улардан нусха олиш мумкин. Интернетнинг ушбу хизмат туридан фойдаланиш учун аввало мижоз компютерида худди шундай имкониятларни яратиш берувчи махсус дастур таъминоти бўлишини тақозо этади. Бундай дастур таъминоти браузер (Browsers) деб аталади.

Энг биринчи браузер CERN (Evropa Fizika Tadqiqotlari Markazi) ходими Тим Бернер томонидан кашф қилинган. АКШнинг NSCA (Milliy Super Xisoblash Markazi) ходими Марк Андрессон ва бир нечта талабалар томонидан ишлаб чиқилган Мosaic браузери эса график маълумотларни экранда акс эттира олувчи биринчи браузер бўлган.

Браузер инглизча сўз бўлиб, кўринишни таъминлаш, кўрсатиш маъносини англатади.

Бугунги кунда Netscape ҳамда Internet Explorer дан ташкари яна кўплаб Opera, FMSD Friada, MSICE, Web celerator, AtGuard, AdWiper каби браузерлар мавжуддир.

Браузерларга қўйиладиган асосий талаблардан бири, бу интернетнинг WWW хизматидаги маълумотлар жойлашган Web саҳифаларини қайси технология ёрдамида ишлашидан, ҳамда қайси дастурлаш тилида ёзилганидан қатъий назар, ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратиб беришдир. Internet Explorer браузерлари эса, ихтиёрий Web саҳифани ҳеч қандай муаммоларсиз кўриш ва ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

HTML форматида тайёрланган электрон ҳужжат HTML ҳужжат, веб ҳужжат ёки веб саҳифа деб аталади. Агар электрон ҳужжатни тайёрлаш ҳақида гап борса, у ҳолда ҳужжат HTML ҳужжат деб аталади, ушбу электрон ҳужжатни интернетда эълон қилиш ёки тарқатиш ҳақида гап борса, у ҳолда бундай электрон ҳужжат веб саҳифа дейилади.

Юқоридаги далиллар асосида шуни тушуниш мумкинки, демократик жамиятни яқини бўлган МФЙларни Web саҳифасини яратиш билан уларни ҳудуддаги эришган ютуқлари, қадриятлар ҳақидаги маълумотлар, ёшлар ҳаракати, маҳаллада бизнес имкониятлар ва бошқа кўпгина маълумотларни саҳифага жойлаш билан туман ёки шаҳар миқёсида маҳалла фаолиятлари ёрқин намоён бўлади.

1.2. Маҳалла фуқаролари йиғинлари WEB сайтини яратиш масаласининг қўйилиши .

Мамлакатимизда модернизациялаш ва кучли фуқаролик жамияти шакллантириш жараёни фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тобора ортирмоқда, чунки замонамиз тараққиётининг олға силжиши энг аввало фуқаролар маънавиятини юксалиши шароитида зарур бўлган ахборотга ва улардан ижодий ишларда фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Компьютерларни маҳалла ва оилалар фаолиятида қўлланилиши(ҳатто чекка қишлоқ жойларидаги оилаларда ҳам) уларни ҳаётини тубдан

ўзгаришини тобора ошириб, одамларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини яхшилаб, давлат ишларини одимлашувига, фаровонликни яхшиланишига олиб келмоқда. Брок, бозор иқтисодига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қурилишида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда жамиятни янада кенг кўламда ахборотлаштириш ўта долзарб муаммо эканлиги давлат томонидан ишлаб чиқилган Қонунларда ўз аксини топган.

Шуни айтиш мумкинки, республика бўйича 160 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият юритадиган нодавлат интернет-сайтлар рўйхатдан ўтказилиши муносабати билан кўпгина намунали ишлар амалга оширилиб, демократик ислохотлар самарадорлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга эришилди. Давлат томонидан берилган эркинлик ва имкониятлар туфайли одамлар ўз фикр ва ғоялари, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини ифода эта олиш имконияти яратилди.

Бугунги кун талаби шуни тақозо этадики, ахборотларни ўз вақтида маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи оилалар ва уларни аъзоларига етиб бориши билан бирга, уларни содир бўлаётган воқеаларга муносабатлари маҳалла саҳифаларида намоён этишлари кучли жамият шаклланишига кўмак беради.

Давр тараққиёти маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамиятини янада ошириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳани самарали фаолият юритишини таъминлаш, фуқароларнинг фаолиятини яхшилашга ёрдам кўрсатиш ва уларга тавсиялар бериш ва бошқа омиллар заруратини келтириб чиқармоқда. Буни компьютерлаштириш орқали Web саҳифаларда намоён этиш орқали маҳалла ҳудудида тезроқ ҳал қилиш зарурлиги кузатилмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, замон талабидан келиб чиқиб йилига МФЙ компьютерларида вилоят, туман "Маҳалла" жамғармаси бўлимлари ва бошқа ташкилотлар билан ахборот алоқалари натижасида 1500-2000 та

хужжатлар қайта ишланади ва керакли маҳаллий ҳудуд ташкилотларга ва бошқарув органларига етказилади ҳамда улар асосида тегишли хулосалар чиқарган ҳолда қарорлар қабул қилинади. МФЙларда Web саҳифаларни яратилиши бу ҳужжатларни мукамаллашувига, аҳолини давлат бошқарувида иштирокини фаоллашувини янада ортиради.

Шу боис, “Маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратиш” масаласи қўйилади. Унинг ҳал этиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш тақозо этилади: масаланинг ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни тўплаш ва таҳлил этилади; маҳалла фуқаролари йиғинлари WEB сайтини яратиш масаласининг қўйилади; WEB сайтини яратиш имкониятлари ва фойдаланиладиган дастурий воситалар таҳлил этилади ҳамда унинг информацион таъминотини ишлаб чиқилади; WEB сайтини намоиш этиш учун зарур бўлган техник таъминот танланади ва асосланади; WEB сайтини яратишни дастурий таъминоти ишлаб чиқилиб, синов ишлари ва ишга тушириш ишлари амалга оширилади.

1.3. WEB сайтини яратиш имкониятлари.

Microsoft FrontPage 2003 дастури - World Wide Web саҳифаларини яратиш, таҳрирлаш ва назорат қилиш дастуридир. Ушбу дастур ёрдамида «Ассемблер тили» фанидан электрон услубий ишланманинг асосий саҳифаларини яратишда, матнларни киритиш, таҳрирлашда, ҳар хил формалар ва Web саҳифалар учун бошқа элементларни киритиш учун жуда қулай бўлиб, бу дастур орқали тайёрланган Web саҳифаларни худди браузерларда кўраётгандек кўриш имконини ҳам беради.

Қуйида Microsoft FrontPage 2003 дастуридан фойдаланиш имкониятларини келтирамиз:

- мавжуд шаблонлардан фойдаланиб, янги HTML саҳифаларини яратиш;

- саҳифа форматларининг йиғиндиси ва уларни яратувчи усталар билан ишлаш имкони;

- оддий саҳифа;
- маълумотлар базасини ҳосил килувчи уста (мастер)лар;
- форматлар ҳосил килувчи усталар;
- ҳар хил кадрли саҳифалар;
- излаш саҳифалари;
- бошка шаблон ва усталар мажмуаси билан ишлаш имконларини беради.

Файлларни импорт қилиш ва ҳар хил форматли файллардаги маълумотларни саҳифага қўйиш ва уларни HTML кенгайтмали файл кўриниши га ўзгартириш имконига эга. FrontPage эдитор дастури Ms Office ҳужжатларидаги ҳосил килинган (Закладка кўринишидаги) ишоратларни ўзгартирмасдан саклай олади. Файллардаги ҳар хил кўринишли расмларни *.гиф кенгайтмали график форматга ўтказиш имконини ҳам беради.

Flashдаги анимация «мултик»да ишлатиладиган объектларни хоссаларини узгартиришга асосланган. Масалан, объектлар йўқолиши ёки пайдо бўлиши, жойлашувини, кўринишини, ранги ва бошкаларни узгартириши мумкин. Flashда объектларни анимациялашни учта турли механизми кузда тутилган:

- кадрма-кадрли («классик») анимация, бу усулда муаллиф булгуси «мултик»ни ҳар бир кадрини узи яратади ёки бошка жойдан импорт қилади ва намоиш кетма-кетлигини узи урнатади:
- автоматик анимация (твееенед-анимация), бу усулда муаллиф мултипликасия кадрларини фақат биринчи ва охиргисини яратади, оралик кадрларни эса Flash автоматик тарзда ўзи яратади; твееенед-анимацияни икки хил тури мавжуд: объектни кўчиришга асосланган анимация (мотион аниматион) ва объектни трансформасия (кўриниш ини ўзгартириш)сига асосланган анимация (шапе аниматион);
- сценарийга асосланган анимация; сценарий- Flashнинг дастурлаш тилида (бу тил ActionScript деб номланади) объектни ҳатти- ҳаракатини берилишидир. Бу тилни синтаксиси Веб-Ҳужжатларда ишлатиладиган

бошка сценарий тилларига(масалан, JavaScript va VBScript) ўхшаб кетади.

MS Word ва Ms FrontPage дастурлари Ms Office дастурлари тўпламига киради. Ҳар иккала дастурда матнлар билан ишлаш ва уларни форматлаш айнан бир хилда амалга оширилади.

Веб саҳифаларнинг файл кенгайтмаси .htm ёки .HTML кўринишга эгадир. MS Word да ташкил этилган Ҳужжат автоматик тарзда .doc форматида сақланади. Бу файлни Web саҳифа кўриниш ида сақлаш учун «Файл» менюсидан «Сохранит как...» буйруғи танланади ва ҳосил булган мулоқот ойнада «Тип файла» майдони «веб-страница» га узгартирилиб, «Сохранит» тугмаси босилади.

MS Word да яратилган Web саҳифалар анчагина содда булишига қарамадан, уларни форматлаш ва ранглаш ҳисобига компьютер хотирасидан кўпроқ жой олади.

Flash технологияси Shockwave Flash (SWF) форматидаги вектор графикадан фойдаланишга асосланган. Албатта бу формат энг кучли форматлардан булмасада, SWF яратувчиларига графикани имкониятлари, графика билан ишловчи воситалар ва натижани Веб-саҳифаларга қўшиш механизмларини бирлаштириш ўртасида энг қулай ечими топилган. SWF ни қўшимча имкониятлардан яна бири бу унинг мослашувчанлигидир, яъни бу формат барча платформаларда (MacOS системали Масинтош компьютерлари ёки Виндовс системали ИБМ компьютерларида) ишлатилиши мумкин. SWF нинг яна бир қулай имконияти унинг ёрдамида яратилган тасвирлар нафакат анимацияли булиши, балки интерактив элементлар ва товуш билан бойитилиши мумкин.

Яна бир бор айтиш керакки, агар Макромедиа SWF форматини жуда оддий ва қулай ускуналар билан таъминламаганда бу формат шунчалик қўлмукхлис ортирмаган буларди. Ҳозирги вақтда ушбу ускуналарни бир қанча тўлик тўпламлари мавжуд.

Ушбу ускуналарни бир тури (Macromedia Director Shockwave Studio) мултимедияли презентациялар яратиш, бошқалари (Macromedia FreeHand va Macromedia Fireworks) график тасвирлар, учинчилари эса (Macromedia Authorware va Macromedia CourseBuilder) интерактив ургатувчи курсларни яратиш имкониятини беради.

1.4. WEB сайтини яратишда фойдаланиладиган дастурий воситалар таҳлили.

Ҳозирги кунда Web сайтини турли кўринишда яратиш жараёнини янада жадаллаштириш ва унинг шаклини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида юқори даражали дастурий воситалар ва дастурий таъминотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Айтмоқчимизки, Web сайтини яратишда фойдаланиладиган дастурий воситалар жуда ҳам кўп бўлиб, бизга қўйилган масала “Маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратиш”ни барча учун тушунарли булган **Macromedia Flash MX** ва **Microsoft Front Page** дастурларидан фойдаланиб яратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Web саҳифаларни яратиш учун қуйидаги дастурий воситалардан фойдаланишимиз мумкин: **Microsoft FrontPage, Macromedia Flash MX, Camstudio, GIF Animator**. Ушбу дастурларнинг ҳар бири вертуал тажриба стендини яратишда турли ва аниқ вазифаларни ҳал этиш учун қўлланилади.

Macromedia Flash MX дастури. Flash технологияси Shockwave Flash (SWF) форматидаги вектор графикадан фойдаланишга асосланган. SWF нинг қулай имконияти унинг ёрдамида яратилган тасвирлар нафакат анимацияли бўлиши, балки интерактив элементлар ва товуш билан бойитилиши мумкин.

Web-яратувчилар орасида энг кўп ишлатиладигани бу Macromedia Flash дир, чунки ушбу дастур ҳар қандай сайтга машҳурлик олиб келувчи Web-саҳифалар яратиш имконини беарди. Балки шунинг учундир SWF форматини оддий қилиб Flash деб аталиш одатга кириб қолгандир.

Ҳозирги вақтда Веб-саҳифаларни яратишда олдинги ўринлардан бирини растрли графика эгаллайди. Растрли форматлардан GIF (Graphics Interchange Format, маълумотлар алмашуви учун график формат), JPEG (Join Photographic Experts Group - тасвирлар буйича мутахассисларни бирлашган гуруҳи) ва PNG (Portable Network Graphics- - кучирма график формат) ва бошқа форматларни келтириш мумкин.

Ҳар бир Web ҳужжат учун битта Web саҳифа мавжуд бўлиб, у уй ёки бош саҳифа (Хоме Паге) дейилади. Ихтиёрий мурожаат қилувчи аввало ушбу саҳифа билан боғланади.

Бу саҳифадаги ҳар хил матн, расм, график ва ҳоказо кўринишдаги гипершоратлар ёрдамида Web Ҳужжатнинг бошқа қисм саҳифаларига мурожаат қилиш мумкин. Web саҳифадаги кўрсатилган гипершорат шу компьютерга ёки ихтиёрий Интернетга уланган компьютерга боғланган бўлади.

Macromedia Flash MXда фойдаланувчи интерфейсини ташкил этиш . Мухаррирда фойдаланувчи интерфейсини ташкил этиш умумий ҳолда барча Windows-дастурлари каби стандарт кўринишга эгадир, уша менюлар тўплами, уша асосий буйруқлар жойлаштирилган инструментлар панели ва бошқалардан фойдаланилади. Macromedia Flash MX дастурида нотаниш бўлган қисм бу вақт диаграммасидир.

Вақт диаграммаси

Вақт диаграммаси саҳнадаги қаватлар жойлашув тартиби, объектлар ҳолатини ўзгариш кетма-кетлиги, ва бошқа амалларни бажариш учун мўлжалланган. Вақт диаграммаси анимацияни яратишда ва фильмни интерактив элементларини ҳолатини тавсифлашда асосий инструментдир. Вақт диаграммасидан фойдаланиш Flash билан ишлаш самарасини оширади.

Бу Flash кўпҳужжатли интерфейс-MDI (Multi Document Interface) технологиясидан фойдаланишда изоҳланади. Бундай иш модели бир асосий

ойна ичида бир нечта файллар- кўшимча ойналар тахрирлаш учун очиш имкони борлигини билдиради.

Macromedia Flash MXда ГРАФИКА. Ҳозирги вақтда Web-саҳифаларни яратишда олдинги уринлардан бирини растрли графика эгаллайди. Растрли форматлардан GIF (Graphics Interchange Format, маълумотлар алмашуви учун график формат), JPEG (Join Photographic Experts Group –Тасвирлар буйича мутахассисларни бирлашган гуруҳи) ва PNG (Portable Network Graphics- кучирма график формат) ва бошқа форматларни келтириш мумкин.

Macromedia Flash MXда анимация. Flashдаги анимация «мультик»да ишлатиладиган объектларни хоссаларини ўзгартиришга асосланган. Масалан, объектлар йуқолиши ёки пайдо бўлиши, жойлашувини, қуринишини, ранги ва бошқ. ўзгартириши мумкин.

Microsoft Office Front Page дастури. Microsoft Front Page дастури - World Wide Web саҳифаларини яратиш, тахрирлаш ва назорат қилиш дастуридир. Матнларни киритиш, тахрирлашда, ҳар хил формалар ва Web саҳифалар учун бошқа элементларни киритиш учун жуда қулай бўлиб, бу дастур орқали тайёрланган Web саҳифаларни худди браузерларда қураётгандек қуриш имконини ҳам беради. FrontPage - HTML тили ҳақида билим талаб қилмаган ҳолда Web саҳифалар яратиш имконини беради.

Front Page - комплекс дастур бўлиб, Web саҳифаларни яратиш ва тахрирлаш учун ишлатилади. Front Page express дастури Internet тармоғига ёки Intranet саҳифалари учун янги корпоратив HTML форматидаги ҳужжатларни тез ва сифатли ҳосил қилиш, улар билан алоқаларни текшириб қўриш ҳамда улар билан мулоқотларни чеклашда фойдаланилади.

Front Page - янги шахсий шаблонлар яратиш имконини ҳам беради. Янги саҳифалар яратиш учун файл (File) менюси фаоллаштирилади.

MS FrontPage дастури эса, айнан Web саҳифаларни яратиш учун мўлжалланган бўлиб, унда Web саҳифаларни яратиш жуда ҳам қулай.

1.5. Маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратиш технологияси:

1.5.1. WEB сайтини яратиш учун маҳалла фуқаролар йиғини структураси асосида бўлимларни шакллантириш.

Шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғинини (вакиллар йиғилиши) эндиликда фуқаролар йиғини деб юритилади.

Фуқаролар йиғини — фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғини, йиғин раисини (оқсоқолини) ва унинг маслахатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йуналишлари бўйича комиссиялари раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади. («Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10 - моддаси).

Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) такдимномасига кўра, фуқаролар йиғини кенгашининг девонини шакллантиради:

Фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий комиссияларни сайлайди, улар тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди.

Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек ўз қарорларининг ижро этиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади(«фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддаси).

Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) унинг маслахатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йуналишлари бўйича комиссиялар раислари ва масъул котибдан иборат булган таркибда фуқаролар йиғини кенгаши тузилади.

Хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий — ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган чора — тадбирларни кўради.

Оммавий — сиёсий маънавий — маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади.

Оила мактаб маҳалла концепциясини татбиқ этишда фаол қатнашади.

Тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради, фуқароларнинг муносабатлари бажарилишини назорат қиладилар.

Юқорида келтирилган асосларга кўра Web сайтини яратиш учун МФЙ структураси асосида бўлимларни шакллантирилади.

1.5.2. WEB сайти намоиши учун информацион таъминотини ишлаб чиқиш.

Юқорида келтирилган бандга асосан(1.5.1. банд) МФЙ WEB сайти намоиши учун информацион таъминотини қуйидагича ишлаб чиқамиз:

Одатда **МФЙ WEB сайти намоиши,** маҳалла фаолияти ва унинг ютуқларини намоиш этиш кўзда тутилади. Шу билан бир қаторда давлатимиз демократик тамойилда бошқарилаётгани учун, фуқаролар ҳаёт фаолиятида очиклик ва ошқоралик ҳукм суради. Шу боис, уларда ахборотга бўлган эҳтиёж кўпроқ сезилади, яъни, муаммоларини МФЙ ходимларидан сўрайдилар, доимо дунё ҳамжамиятидан хабардор ҳолда яшайдилар, бу нарса

бугунги талабдан ва эҳтиёждан келиб чиқади. Бундай ҳолатда МФЙ **WEB сайти намойишиши** яратилиши ва ундан фуқароларни фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу маънода, WEB сайти намойиши учун информацион таъминотини ишлаб чиқиши талаб этилади.

Бундай информацион таъминотини ишлаб чиқишда қуйидагиларни инобатга олдик:

- Ходимларнинг(раис, котиб, маслаҳатчи ва посбон) фойдаланувчи сифатида аниқ вазифалари нималардан иборат эканлиги;
- Маълумотларни имкон даражада жойлашишида ихчамлаштириш ва фойдаланиш шароитларини инобатга олиш;
- ахборотни аниқ, юқори ишончлилиқ ва яшовчанлигини асослаш;
- Фуқароларнинг ахборотли эҳтиёжларини ўз вақтида қаноатлантиришни кўзда тутишдан иборат бўлади.

Шу маънода, МФЙ WEB сайти намойиши учун информацион таъминотни бўлим структурасига биноан(Раис, котиб, маслаҳатчи ва посбон) таркибни ишлаб чиқдик, яъни:

- 1.МФЙ раиси(оқсоқоли) ва уни фаолияти ҳақидаги информацион таъминот.
- 2.МФЙ котиби ва уни фаолияти ҳақидаги информацион таъминот.
- 3.МФЙ маслаҳатчиси ва уни фаолияти ҳақидаги информацион таъминот.
- 4.МФЙ посбони ва уни фаолияти ҳақидаги информацион таъминот.

Брок, бундай асосий таркибдан ташқари жамоатчилиқ асосида ишлаётган МФЙ бўлимлари ҳам мавжуд, улар қуйидагилардир:

- маънавият тарғибот комиссияси;
- Ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси;
- Спорт ишларини ташкил этиш комиссияси;
- Жамоат хавфсизлигини сақлаш комиссияси;
- Хотин қизлар билан ишлаш комиссияси;
- Яраштириш комиссияси;

- Ободонлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш комиссияси;
- Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссияси;
- Ва бошқалардан иборат. Бу бўлимлар фаолиятига доир ҳам информацион таъминотни тўлдириш МФЙ WEB сайти намойиши учун янада мазмунни ёритади.

1.5.3. Маҳалла фуқаролари йиғини WEB сайтини намойиш этиш учун зарур бўлган дастурни ишлаб чиқиш ва уни ишга тушириш.

Маълумки, HTML да ёзилган Web саҳифа одатда браузер деб номланувчи махсус дастур ёрдамида қурилади. Бу сўзнинг ўзбекчага тўғридан – тўғри таржимаси «шархловчи дастур» маъносини беради. Браузернинг асосий вазифаси фойдаланувчи талабига мувофиқ манзилни интернетдан топиш ва қийинчиликсиз уни тасвирлашдир. Олдиниға браузер HTML тилида ёзилган «инструкцияни» таҳлил қилади ва бу инструкция ёрдамида Web саҳифада мавжуд бўлган ахборотни тасвирлайди.

Ҳозирги кунда энг кўп ишлатиладиган 2 та Web браузер мавжуд бўлиб, улар “Netscape Navigator” ва “Microsoft Internet Explorer” (IE) браузерларидир.

Netscape нинг жиддий рақобатчиси Microsoft фирмасининг Internet Explorer браузерлари ҳисобланади.

HTML(Hyper Text Markup Language) деб номланди ва бу тил ёрдамида “Маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратиш (Наманган шаҳар МФЙ мисолида)”дан мақсад, маҳаллага оид Web сайтини яратиш орқали уни бутун дунё ахборот фазосида шакллантиришдан иборат.

HTML нинг конструкцияси ТЭГ лар дейилади. Браузер ТЭГ ларни оддий матнлардан фарқлаши учун улар бурчак қавсларга олинадилар. Масалан:

<-- Бу изоҳ -->


Ҳар қандай Web саҳифанинг умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

<!DOCTYPE HTML PUBLIC "-//W3C//DTD HTML 4.01//EN ">

<html>

```
<head>
  <title>
    Хужжат сарлавҳаси
  </title>
</head>
<body>
  Асосий қисм
</body>
</html>
```

Бу саҳифа компьютер экранида қуйидаги кўринишда бўлади
(1.5.3.1.- Расм)



1.5.3.1.- Расм

Биринчи *<!Doctype>* тэги ўзининг параметрлари билан браузерга ушбу Web саҳифани қайси HTML версияда ёзилганлиги ҳақида маълумот беради.

Web саҳифа ишга тушурилганда браузернинг энг юқори сатрида юкланаётган хужжат мазмунини англатувчи қисқача ёзув туради. Бу ёзувни ҳосил қилиш учун қуйидаги очилувчи *<title>* ва ёпилувчи *</title>* тэгларида

фойдаланамиз. Мисол тариқасида, бу ёзувни тэглар ёрдамида “Web саҳифа сарлавҳаси” ёзувни қуйидагича ёзилади.

```
<html>
```

```
<head>
```

```
<title>Web саҳифа сарлавҳаси</title>
```

```
</head>
```

```
<body>
```


```
</body>
```

```
</html>
```

Бу дастурча бажарилиши компьютер экранида қуйидагича бўлади(1.5.3.2.-

Расм

)



1.5.3.2.- Расм

Web саҳифанинг асосий қисми *<body>* ва *</body>* тэглари орасида жойлашади. Бу оддий матн бўлиши мумкин. Браузер бу матнни туғридан туғри интерпретация қилиб экранда тасвирлайди. Бизга дастлабки

“Маҳалланинг биринчи Web саҳифаси” Web саҳифамизни яратиш учун оддий «Блокнот» матн муҳаррири кифоя. Қуйида кўрсатилган мисолни матн муҳарририда ёзиб, уни хотирага ёзишда кенгайтмасини html ёки htm деб киритишимиз керак.

```
<html>
```

```
  <head>
```

```
    <title>Маҳалланинг биринчи Web саҳифаси </title>
```

```
  </head>
```


```
  <body>
```

```
    Маҳалланинг саҳифасига кировчиларга алангали салом
```

```
  </body>
```

```
</html>
```

Бу файлни ишга тушириш учун сичқонча кўрсаткичини шу файл устига келтириб чап тугмасини икки марта босиш керак. Натижада экранда қуйдаги кўринишдаги натижа ҳосил бўлади():



1.5.3.3.- Расм .

Web саҳифаларда мета маълумотларини ҳосил қилиш учун *<meta>* тэги ишлатилади, унинг умумий кўриниши қуйидагича:

<meta name="ўзгарувчи номи" content="ўзгарувчи қиймати">


Агарда биз Web саҳифадаги “Маҳалла” ҳақида маълумот ёзмоқчи бўлсак, уни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

<meta name="Author" content="Маҳалла!!!">

Мета маълумотлар асосан Internet да жойлашган қидириш машиналари учун зарур. Масалан, бизнинг Web саҳифамиз “компьютер вируслари” ҳақида тайёрланган бўлсин, у ҳолда HTML ҳужжатда мета маълумотларни қуйидагича ёзиш мумкин:

```
<html>
  <head>
    <title>компьютер вируслари </title>
    <meta name="keywords" lang="ru" content="вирус,
      компьютер, антивирус,...">
    <meta name="description" content="Web саҳифадаги компьютер
      вирусларига бағишланган.
  </head>
  <body>
    компьютер вируслари бу ....
  </body>
</html>
```

Ушбу дастурча бажарилганда компьютер экранида қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади(1.5.3.4.- Расм).



1.5.3.4.- Расм .

Браузерлар фойдаланувчи томонидан очиб кўрилган Web саҳифаларини кэш хотирада сақлаб қолади. Агар фойдаланувчи яна шу саҳифаларга мурожаат қилса, Web браузер олдиндан кэш хотирада мавжуд бўлган (яна янги саҳифани интернетдан олмасдан) нусхасини олиб кўрсатади. Бу жараён фойдаланувчининг вақтини ва иқтисодини тежайди. Энди Web саҳифа қачон янгиланади деган савол пайдо бўлади. Бу саволга метамаълумотлардаги *expres* ўзгаручилардан жавоб олиш мумкин. Бу ўзгарувчида Web саҳифанинг яроқлилик муддати кўрсатилади. Агар кэш хотирадаги web саҳифа яроқлилик муддати ўтган бўлса, браузер тармоқдан Web саҳифани қайтадан ўқиб олади.

Мисол:

<meta http-equiv="Expres" content="Tue,uf Aug 2002 14:56:27 Gmt">

Web саҳифаларда маълумотлар тез ўзгариши мумкин, масалан чатларда ва биржа саҳифаларида маълумотлар тез ўзгаради. Бундай ҳолларда *refresh* ўзгарувчисидан фойдаланилади ва қийматлари секундларда берилади.

Масалан:

<meta http-equiv="Refresh" content=10>

Бу ёзувдан кейин Web саҳифа ҳар 10 секунддан кейин автоматик тарзда ўзи қайта юкланади.


3.3. Идентификаторлар.

HTML тилида ҳар бир қўлланилган тэгга уникал идентификатор бериш имконияти мавжуд. Масалан матн бир неча абзацлардан ташкил топган бўлсин. Ҳар бир абзацга мос махсус ном бериш мумкин, кейинчалик HTML тилининг қўшимча имкониятлари ёрдамида бу абзацларни бошқариш мумкин, яъни уларнинг бирортасини кўринмас қилиш ёки шрифти рангини ўзгартириш.

Юқоридаги ишлар фақат абзацлар учун эмас, балки Web саҳифанинг ихтиёрий қисми учун таълуқлидир. Бирор бир тэгни номлаш учун *id* параметри ишлатилади. Абзацлар *<p>* ва *</p>* орқали кўрсатилади.

Мисол 3_5.

```
<html>
  <head><title>Абзацлар</title></head>
  <body>
    <p id ="p1"> Биринчи абзац </p>
    <p id ="p2"> Иккинчи абзац </p>
  </body>
</html>
```



Расм 3_5.

HTML хужжатда *id* параметри қийматлари такрорланмаслиги лозим, акс холда бу қийматлар эътиборга олинмайди.

class параметри фақат шакл безаш ишларида ишлатилади. Биз Web саҳифанинг айрим элементларини синфларга бўламиз, кейинчалик синфни тасвирлаш қоидалари ёзувини бир жойдан ўзгартиришимиз мумкин ва бу ўзгартириш автоматик равишда шу синфга кирган барча тэглارга тарқалади.

HTML хужжатини ташкил этувчи барча элементлар икки турга бўлинади: *inline* элементлар ва *блоки* элементлар. *Inline* элементлар оддий матн элементлари бўлиб сатр қисми ҳам бўлиши мумкин, *блоки* элементлар эса ҳар сафар янги сатрдан бошланиши шарт. *Блоки* элементлар бошқа *блоки* элементлар ва *Inline* элементларидан ташкил топиши мумкин, лекин *Inline* элементлар *блоки* элементларни ўз ичига олмайди. Web саҳифа элементларини *блокларга* бирлаштириш уларга бирваракайига шакл бериш имконини беради, яъни, бирлаштирувчи ягона тэгни аниқлаб блок жойлашувини ўзгартириш мумкин. Табиийки бу Web саҳифа элементларининг ҳар бирининг жойлашувини алоҳида ўзгартиришдан осон.

Блокли тип элементларини бирлаштириш учун `<div>` ва `</div>` тэглари қўлланилади. Inline элементлари эса `<span>` ва `</span>` тэглари орқали бирлаштирилади. Юқорида айтилганларга асосан `<div>` тэги `<span>` тэги ичида жойлаша олмайди.

Мисол 3_6:

```
<html>
```

```
  <head>
```

```
    <title>div блокни ҳосил қилиш</title>
```

```
  </head>
```

```
  <body>
```


```
    <div>
```

Менинг бу `<div>` саҳифамга кирувчиларга `</div>` алангали салом

```
  </div>
```

```
  </body>
```

```
</html>
```




Расм 3_6

`<span>` ва `<div>` тэглари қўшимча параметрларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бизга маълум бўлган `id` ва `class` параметрларидан ташқари `style` ва

align параметрлари ҳам ишлатилади. *style* параметри шу блокдаги маълумот стилини ўрнатса, *align* параметри шу маълумотни қандай текислашни аниқлайди. HTML ҳужжатида сарлавҳанинг ўз тэглари мавжуд бўлиб, улар олтидир. Энг юқори даражаси бу биринчидир. Ҳар бир сарлавҳанинг ўз теги ва ўз тасвирланиш қоидаси мавжуд. Энг катта яъни биринчи даражали сарлавҳа `<h1>` ва `</h1>` тэглари орқали, иккинчи даражали сарлавҳа `<h2>` ва `</h2>` тэглари орқали ва охириги олтинчи даражали сарлавҳа `<h6>` ва `</h6>` тэглари орқали ифодаланади. Қуйидаги мисолда биз сарлавҳалар тасвирини кўралик:

Мисол 3_7:

```
<html>
  <head>
    <title>Сарлавҳаларни тасвирлаш</title>
  </head>
  <body>
    <h1>Биринчи даражали сарлавҳа</h1>
    <h2>Иккинчи даражали сарлавҳа</h2>
    <h3>Учинчи даражали сарлавҳа</h3>
    <h4>Тўртинчи даражали сарлавҳа</h4>
    <h5>Бешинчи даражали сарлавҳа</h5>
    <h6>Олтинчи даражали сарлавҳа</h6>
    <p>Оддий матн</p>
  </body>
</html>
```




Расм 3_7

Сарлавха тэглари `<span>` ва `<div>` тэглари каби *id*, *class*, *style*, *align* параметрларини ўз ичига олади.

1.6. WEB сайтидан фойдаланиш йўриқномасини ишлаб чиқиш.

Дастур `muqova.html` орқали ишга туширилади ва экранда қуйидаги кўриниш пайдо бўлади(Расм—1.6.1.).




Расм—1.6.1.

Шундан кейин юқоридаги Расм—1.6.1. кўринишдаги “Asosiy o'rinaga o'tish” тугмачаси босилади ва экранда пастдаги кўриниш пайдо бўлади(Расм—1.6.2.)




Расм—1.6.2

Яъни, экранда “Бош саҳифа ” ва унинг барча менюлари пайдо бўлади. Агарда “Бош саҳифа ” даги “Me'yoriy huquqiy baza” тугмачасини босиш билан экранда(Расм—1.6.3) кўриниш пайдо бўлади.



Расм—1.6.3.

Агарда “Бош саҳифа ” даги “Tuzilma” тугмачасини босиш билан экранда(Расм—1.6.4) кўриниш пайдо бўлади.



Расм—1.6.4

Агарда “Бош саҳифа ” даги “MFY tarixi” тугмачасини босиш билан экранда(Расм—1.6.5) кўриниш пайдо бўлади.



Расм—1.6.5

Агарда “Бош саҳифа ” даги “Yangiliklar” тугмачасини босиш билан экранда(Расм—1.6.6) кўриниш пайдо бўлади.



Расм—1.6.6

Агарда “Бош саҳифа ” даги “Tadbirlar” тугмачасини босиш билан экранда(Расм—1.6.7) кўриниш пайдо бўлади.



Расм—1.6.7

Агарда “Бош саҳифа ” даги “Fotogalereya” тугмачасини босиш билан экранда(Расм—1.6.8) кўриниш пайдо бўлади.



Расм—1.6.8

Агарда “Бош саҳифа ” даги “Мақолалар” тугмачасини босиш билан экранда(Расм—1.6.9) кўриниш пайдо бўлади.



Расм—1.6.9.

Агарда “Бош саҳифа ” даги “Вог’ланиш” тугмачасини босиш билан экранда(Расм—1.6.10) кўриниш пайдо бўлади.



Расм—1.6.10

Биз ушбу “йўриқномани тайёрлашда” асосий амалларни бажариш билан чекландик, қолган амаллар шулар асосида бажарилади.

1.7. Web сайти дастурини таннархи ва сотув баҳосини аниқлаш.

Бошланғич маълумотларни ҳисоблаш:

- дастур таъминотини яратиш билан банд бўлган ходим сони - 1 та;
- ягона тариф сеткаси бўйича разряди 8, тариф коэффиценти – 4,64 ;
- дастурчининг иш кунлари сони - 18 кун;
- дастурчини ижтимоий ҳимоялаш, рағбатлантириш фонди ставкаси – 23 %;
- дастурни яратишда фойдаланилган техник воситалар:
 - компьютер Pentium IV-750000 сўм;
 - модем Zyhel Prestije 700-350000 сўм;
 - сканер HP Scanjet 4500C-180000 сўм;
 - принтер HP 1010-249000 сўм.
- дастур НамМПИ, 2-бино, 125-хонада бажарилган.
- дастурни яратишда фойдаланилган асосий воситалар баҳоси-3000000 сўм. (НамМПИ, 2-бино, 125-хонани умумий нархи);
- кўзда тутилмаган харажатлар - 3,5 %;

- ягона ижтимоий тўлов - 25 %;
- корхона фойдаси ставкаси - 20 %.

1. Дастурнинг асосий иш ҳақи суммасини ҳисоблаш.

а) Ойлик маош суммасини ҳисоби.

Тариф сеткаси бўйича маош суммаси дастурчининг ягона тариф сеткаси бўйича разрядига мос тариф коэффициентини минимал иш ҳақиға кўпайтириш натижасида аниқланади.

Илова1: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.12.2013йилдаги ПҚ - 4582 фармони билан 15.12.2013йилдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи ойига **96105** сўм миқдорида белгиланди.

$$S_{\text{ойлик}} = \underline{4,64} * 96105 = 445\,927,20 \text{ сўм.}$$

Б) Асосий иш ҳақи суммасини аниқлаш.

Энди дастурчининг иш кунларига нисбатан маоши ($S_{\text{асосий иш ҳақи}}$), яъни асосий иш ҳақини аниқлаймиз. Бунинг учун, тариф сеткаси бўйича ойлик маош суммаси ($S_{\text{ойлик}}$)ни йил бўйича бир ойдаги ўртача иш кунлари сони (25,4 кун) га бўлиб, дастурни бажаришга сарфланган иш кунлари сони 18 кунга кўпайтирилади.

$$S_{\text{асосийишҳақи}} = S_{\text{ойлик}} / 25,4 * \underline{18} = 316\,011,40 \text{ сўм.}$$

2. Рағбатлантириш фонди суммасини ҳисоби.

Илова-2: Дастурчи дастурни яратиш давомида маълум миқдорда нурланиш олганлиги, интеллектуал маҳсулот яратилаётганлиги учун рағбатлантириш фондидан 23 % ажратма ажратилади.

Рағбатлантириш фонди суммаси асосий иш ҳақи ($S_{\text{асосий иш ҳақи}}$) ни 23% миқдорида аниқланади.

$$S_{\text{рағбатл}} = S_{\text{асосийишҳақи}} * \underline{0,23} = \underline{72\,682,62} \text{ сўм.}$$

3. Маош фондини ҳисоблаш.

Маош фондини асосий иш ҳақи ($S_{\text{асосий иш ҳақи}}$)ни рағбатлантириш фонди суммаси ($S_{\text{рағбат}}$) га қўшиш орқали аниқланади.

$$S_{\text{маошфонди}} = S_{\text{асосийишҳақи}} + S_{\text{рағбатл}} = \underline{316\,011,40} + \underline{72\,682,62} = \underline{388\,694,02} \text{ сўм.}$$

4. Ягона ижтимоий тўлов суммасини ҳисоби

Илова-3: Ўзбекистон республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрьдаги ПҚ-1245 сонли қарорига кўра ягона ижтимоий тўлов миқдори 2010 йил 1 январдан 25 % қилиб белгиланди.

$$S_{\text{янт}} = S_{\text{маош фонди}} * 0,25 = 388\,694,02 * 0,25 = 97\,173,51 \text{ сўм.}$$

5. Электр энергияси сарфи.

Илова-4: Компьютер бир соатда ўртача 0,250 КВт электр энергияси сарф қилади. Ҳар куни ўртача 4 соатдан компьютерда ишланди деб ҳисобланиб, _____ кунга электр энергиясига сарфланадиган сумма аниқланади. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган 19-03-22-05-ЎзР-12-2012 сонли қарорига асосан 2014 йил 1 апрелдан бюджет ташкилотлари 1Квт/соат электр энергияси сарфи учун **131 сўм 40 тийин** ҳисобида тўлайдилар.

$$S_{\text{электр}} = 0,250 \text{ КВт} / \text{соат} * 4 \text{ соат} * 18 \text{ кун} * 131,4 \text{ сўм} = 2\,365,20 \text{ сўм.}$$

6. Фойдаланилган техник воситалар амортизацияси.

Илова-5: Вазирлар Маҳкамасининг 31 декабр 1996 йил 469-сонли қароридаги 15-иловани 2-бандига асосан, компьютерлар, периферик қурилмалар ва маълумотларни қайта ишловчи воситаларнинг эскириш муддати этиб 5 йил белгиланган.

$$S_{\text{тех.вос.}} = (750000 \text{сум} + 350000 \text{сум} + 180000 \text{сум} + 249000 \text{сум}) / 5 \text{йил} / 12 \text{ой} / 25,4 \text{кун} * 18 \text{ кун} = 18\,059,06 \text{ сўм.}$$

7. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати (амортизацияси).

Илова-6: Вазирлар Маҳкамасининг 31 декабр 1996 йил 469-сонли қароридаги 15-иловани 1-бандига асосан, асосий фондларнинг амортизацияси, яъни бино, қаттиқ мебел ва бошқаларнинг эскириш қиймати учун 5 % ажратма ажратилади. Демак, қурилган бинони амортизация муддати 20 йил қилиб белгиланган.

НамМПИ 2-бино 125-хонадаги компьютерлар сони (20 та) ни ҳам асосий воситалар амортизация ажратмасини ҳисоблашда ҳисобга олиш керак, яъни битирувчи 1та компьютер ўрни учун асосий восита амортизациясини тўлайди.

$$S_{ac.вос.} = 3000000 \text{ сум} / 20 \text{ йил} / 12 \text{ ой} / 25,4 \text{ кун} / 20 \text{ та компьютер} * 18 \text{ кун} = 442,91 \text{ сўм.}$$

8. Дастур таннархи.

Дастур таннархи дастурни яратишга сарфланган барча харажат суммалари йиғиндисидан ташкил топади.

$$S_{таннарх} = S_{электр} + S_{тех.вос.} + S_{ac.вос.} + S_{маош фонди} + S_{яит} = 2\,365,20 + 18\,059,06 + 442,91 + 388\,694,02 + 97\,173,51 = 506\,734,70 \text{ сўм.}$$

9. Кўзда тутилмаган харажатлар.

Илова-7: Дастурни яратишда дискеталар, принтер бўёқлари ва бошқа кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун дастур таннаридан ажратма миқдори белгилаб қўйилади (3,3 %).

$$S_{харажат} = S_{таннарх} * 0,035 = 17\,735,71 \text{ сўм.}$$

10. Дастурнинг умумий таннархи.

Дастур умумий таннархи дастур таннархи ва кўзда тутилмаган харажатлар йиғиндисидан ташкил топади.

$$S_{ум.таннарх} = S_{таннарх} + S_{харажат} = 506\,734,70 + 17\,735,71 = 524\,470,41 \text{ сўм.}$$

11. Корхона фойдаси ставкаси.

Яратилган дастурий таъминотни сотув нархини белгилашда унинг умумий таннархи ва фойда ставкаси йиғиндиси олинади. Фойда ставкаси эса одатда умумий таннархнинг 20 % миқдорида белгиланади.

$$S_{фойда} = S_{ум.таннарх} * 0,20 = 104\,894,08 \text{ сўм.}$$

12. Дастурнинг корхона баҳоси.

Дастурнинг корхона баҳоси умумий таннарх ва корхона фойдаси суммаларининг йиғинисидан ташкил топади.

$$S_{корх.баҳоси} = S_{ум.таннарх} + S_{фойда} = 524\,470,41 + 104\,894,08 = 629\,364,50 \text{ сўм.}$$

13. Қўшимча қиймат солиғи.

Қўшимча қиймат солиғи маҳсулотни сотувчи ёки харид қилувчи томонидан тўланади ва одатда корхона баҳосини 20 % ини ташкил қилади.

$$S_{\text{кксолиги}} = S_{\text{кор.баҳоси}} * 0,20 = 125\,872,90 \text{ сўм.}$$

14. Дастурнинг сотиш баҳоси .

Дастурнинг сотиш баҳоси дастурнинг корхона баҳоси билан қўшимча қиймат солиқ йиғиндисидан ташкил топади.

$$S = S_{\text{кор.баҳоси}} + S_{\text{кксолиги}} = 629\,364,50 + 125\,872,90 = 755\,237,39 \text{ сўм.}$$

Шундай қилиб, яратилган дастурий таъминотнинг сотув баҳоси 755 237,39 сўмни ташкил этди.

2.1. Ўзбекистонда педагогик технологиянинг эмпирик асосини яратишга ҳаракат қилинишида давлат томонидан қўллаб қувватлашлар.

Республикаимизда олиб борилган таълимдаги ислохотлар, бу соҳадаги изланишларни янада юқори савияда бўлишлигини тақозо этади. ПТни ўрганишдан мақсад, мавжуд материалларни жамлаш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таҳлил қилиш, пировард натижада қатор концептуал ҳолатларни ифода этиш ва Ўзбекистонда педагогик технологиянинг эмпирик асосини яратишга ҳаракат қилиш, шунингдек уни илмий билимлар (тушунчалар) доирасига ўтказишдир.

Ўзбекистонда, биринчи навбатда ПТга таълим соҳасидаги сиёсатнинг бош вазифаси сифатида қараб келинганлиги, ЮНЕСКО томонидан ҳам маъқулланди ва «Таълимни ривожлантириш масалалари» бўйича Халқаро Комиссиянинг раҳбари Эдгара Форанинг маърузасида ҳам ўз ифодасини топди.

Муҳими шундаки, Президентимиз И.Каримов томонидан Миллий дастурни рўёбга чиқариш босқичида «ўқув - тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

“Технология ” сўзи фанга 1872 йилда кириб келди ва юнунча икки сўздан – «технос» - хунар ва «логос» - фан сўзларидан ташкил топиб «хунар фани» маъносини англатади. ПТ - бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда ва маълум кетма-кетликда таъсир кўрсатиш ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини шакллантириш жараёни, деб таърифласак хато бўлмайди.

Қатор йиллардан бери ПТга ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш деб қараб келинди. Фақат 70 - йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунча янгича талқин этила бошланди. Уларда ПТ- ўқув жараёнини берилган дастлабки таълим мақсади ва мазмунидан келиб чиқиб лойиҳалаш, дея ифодаланди. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин теранроқ фикр юритилса, унинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади ёки бундай ёндашишида ўқувчи шахси инкор этиляпти. Бу камчиликни биринчи бўлиб акад. В. Беспалько пайқади ва ўзининг йирик асарида «ПТ - бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнини ифодалаш , лойиҳалашдир» деб таърифлади.

Ўқитувчи машғулотларни педагогик технология бўйича лойиҳалар экан, у қуйидагиларга амал қилиши зарур:

- машғулотнинг ташкилий (бошланғич қисмида) талабаларда ушбу мавзунини ўрганишга ички эҳтиёж (иштиёқ) уйғотади;
- Ҳар бир машғулот ўқув мақсадлари (кутилаётган натижалар)ни талабаларга эълон қилади ва зарур бўлса, улар иштирокида муҳокама қилиб, ўзгартиришлар киритади;
- машғулотларда 15-20 дақиқали мини маърузалар (маъруза машғулотлари)ни талабаларнинг мустақил ўқиши, кўргазмаларни намойиш қилиш, асосий қоидаларни конспектлаштириш, 5-10 дақиқали ёзма иш ва ҳ.к. Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари билан алмаштириб туради;
- маъруза ва амалий машғулотларда Ўқиш ва ёзиш орқали танқидий фикрнинг ривожлантириш ҳамда «инсерт», «синквейн», «кластерли таҳлил» ва бошқа усуллардан оқилона фойдаланади;
- машғулотларда ўқитишнинг интерактив услублари, жумладан, машғулотларнинг бир қисmini кичик гуруҳларда ўтказиш ва муҳокама қилиш, «мия хужуми», «талабалар бир-бирини ўргатадилар»

ва талабалар билиш фаолиятини фаоллаштирувчи бошқа услублардан самарали фойдаланади.

Энди юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб, муайян дарс шаклларида қўлланилганда энг кўп самаралар бериши мумкин бўлган янги таълим технологиялари вужудга келади:

1. Маъруза ва янги билимларни баён қилишда: Мияга хужум ва инсерт технологияси, дастурлашган технология, муаммоли ўқитиш технологияси.
2. Амалий машғулотларда: интерактив стратегиялар, ўйинли технологиялар, муаммоли ўқитиш технологияси, дастурлашган технология
3. Тажриба машғулотларида: дастурлашган технология, ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси.
4. Мустақил ишлар: ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси
5. Семинар машғулоти: ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси, муаммоли ўқитиш технологияси.

Шундай қилиб, педагогик технология ўқув жараёнини муайян бир тизимга келтириш, машғулотлар самарадорлигини таъминлашда улардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш зарурлигини келтириб чиқаради.

2.2. Мавзуни интерфаол усулда ўқитиш имкониятлари.

Мавзуни ўқитишнинг самарадорлигини оширувчи усуллар куйидагилардан иборат.

Жаҳон педагогикасида «Блум саволлари» номи билан билан машҳур бўлган, ўзлаштиришнинг олтига: билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез ва баҳолаш даражаларига мувофиқ бўлган саволлар мисол бўлиши мумкин. Масалан: “Растр ва вектор графикаси асослари” мавзусини интерфаол усулда ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш[25, 33].

Мавзуга нисбатан «Нима учун?», «Таққосланг?», «Таркибий қисмларга ажратинг?», «Энг муҳим хусусиятлари нима?», «Бунини сиз қандай ҳал қилган бўлардингиз?», «Бунга муносабатингиз қандай?» каби саволлар талабаларни юқори интеллектуал амаллар (таҳлил, синтез, баҳолаш) даражасида фикрлашга ундайди.

Ёки, матндан парча ўқиб бўлгандан сўнг, талабаларни фикрлашга ундовчи қуйидаги саволларни бериш ҳам мақсадга мувофиқдир: «Бу парчага қандай сарлавха қўйиш мумкин?», «WEB дизайн асосларини тўла-тўқис англатувчи бешта таянч сўз топинг?»,

«Маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратиш га доир қандай савол берган бўлардингиз?». Ўқитувчининг талабаларга берадиган саволи тўғрисида фикр юритилар экан, унинг аниқ, лўнда, тушунарли ва ихчам бўлиши ҳамда бир савол билан фақат битта ўқув элементи сўралиши зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Берилган саволлар мазмунида мавзуга ёки матнга оид таянч сўз ва иборалардан фойдаланиш ҳам муҳимдир.

Унинг моҳияти шундаки, гуруҳ талабалари 4-8 кишидан иборат микрогуруҳга бўлинади. Микрогуруҳ дарснинг ташкилий қисмида рақамли ёки харфли карточкалар ёрдамида шакллантирилади ва алоҳида иш ўринларига ўтирадилар. Барча микрогуруҳга бир хил ёки ҳар бирига алоҳида топшириқ берилади. Микрогуруҳ аъзолари ўзаро фикр алмашиб, топшириқни мустақил ечишлари зарур.

Инсерт усули - асосан “WEB дизайн асослари” материални мустақил ўқиб, ўзлаштиришда қўлланилади. Унинг мазмуни, ўқиш жараёнида матннинг ҳар бир сатр бошини аввал ўзлаштирилган билим ва тажрибалар билан таққослаш ва унинг натижасини варақнинг чап қирғоғига қуйидаги махсус белгиларни қўйиш билан акс эттиришдан иборат:

“V”-белги, агар ўқиётганингиз, сизни у ҳақда билганингиз ёки билишингиз тўғрисидаги фикрингизга мос, яъни ўқиётганингиз сизга таниш бўлса қўйилади;

«-» - белги, агар ўқиётганингиз, сиз билганга ёки билишингиз тўғрисидаги фикрингизга зид бўлса қўйилади;

«+» - белги, агар ўқиётганингиз, сиз учун янги ахборот бўлса қўйилади;

« ? » - белги, агар ўқиётганингиз сизга тушунарли бўлмаса ёки сиз бу ҳақда батафсилроқ маълумот олишни хоҳласангиз қўйилади.

Матнни ўқиш жараёнида унинг чап қирғоғига ўзингизни тушунишингиз ва билишингизга мос келадиган тўрт хил белги қўйиб чиқасиз. Бунда ҳар бир қатор ёки таклиф этилаётган ғояга белги қўйиш шарт эмас. Бу белгиларда сиз ўқиётган ахборот тўғрисидаги ўзингизнинг яхлит тасаввурингизни акс эттиришингиз керак. Шунинг учун ҳам, ҳар бир сатр бошига бир ёки иккита, баъзан эса, бундан кўп ёки оз белгилар қўйилган бўлиши мумкин. Демак, «инсерт» усули бўйича белгилар қўйиш, матннинг ҳар бир сатр бошини англашни талаб қилади ҳамда матнни тушуниб борилишида ўзини-ўзи кузатиб борилишини таъминлайди.

Синквейн усули- “WEB дизайн асослари” мавзусидаги таянч атамаларни бир нечта сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзунини яхшироқ англашга ёрдам беради.

1. Биринчи қаторда мавзу бир сўз (от) билан ифодаланади.
2. Иккинчи қаторда мавзуга оид иккита сифат билан ифодаланади.
3. Учинчи қаторда мавзу доирасидаги ҳатти-ҳаракатни унга сўз билан ифодаланади.
4. Тўртинчи қаторда мавзуга нисбатан муносабатни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр ёзилади.
5. Охириги қаторда мавзу моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга яқин бўлган битта сўз ёзилади.

“Мия ҳужуми” усули универсал қўлланиш ҳаракатига эга. «Мия ҳужуми»нинг вазифаси микрогуруҳ ёрдамида қаттиқ дисklar ва юқори даражадаги резервли нусха қўчириш қурилмаларига тегишли янги ғояларни яратилади. “Мия ҳужуми” муаммони ҳал қилаётган кишиларнинг кўпроқ, шу жумладан ақл бовар қилмайдиган ва ҳатто фантастик ғояларни яратишга ундайди. Мия ҳужуми машғулотларда талабалар фаоллигини оширишга, чарчоқни йўқотишга, барчани мавзунинг энг мақбул ечимини излашга шароит яратади.

Кластер «ахборотни ёйиш» усули. “WEB дизайн асослари” мавзусидан мос атамаларни олиб, кластерларга ажратилади, у кўп вариантли фикрлашни, ўрганилаётган тушунчалар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради.

Кластерлар тузиш кетма-кетлиги қуйидагича:

Синф ёзув тахтаси ўртасига катта қоғоз варағига асосий сўз ёки гапни ёзинг.

Сизни фикрингизча бу мавзуга тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзинг (мия ҳужуми)ни ўтказинг.

Тушунча ва ғоялар тўғрисидаги ўзаро боғланишини ўрнатинг.

Эсланган вариантларингизнинг ҳаммасини ёзинг.

Кластер тузишда гуруҳдаги барча талабаларнинг иштирок этиши, бу гуруҳда пайдо бўлган ғояларнинг ўзагини аниқлашни таъминлайди.

Кубик усули. Бу усул қўрилаётган масалани турли томондан, қадамба-қадам, осондан қийинга томон йўналишда тасаввур этиш имкониятини беради. Кубикнинг ҳар бир томони муаян топшириқни ифодалайди:

Бу қандай дастур? Дастур синфи, имконияти ва қаерларда фойдаланишини тасаввур этинг, эсланг ва ёзма равишда таърифланг?

Таққосланг: WEB дизайн асослари бошқа дастурлардан нимадан фарқ қилади?

Ассоциация. Таассуротингизни изоҳланг? Дастурнинг бу тури сизни нима тўғрисида ўйлашга мажбур қилди? Ҳаёлингизга нима келди?

Таҳлил қилинг. WEB дизайн нималардан иборат? Уларни қаерда қўллаш мумкин?

«Ҳа» ва «Йўқ» ларни асосланг. Бунда ишончли далиллар ва асословчи фикрларни айтинг.

«Кубик» усулини қўллаш босқичлари.

“WEB дизайн асослари” мавзуси эълон қилинади.

Тингловчилар (талабалар) якка тартибда ишлайдилар. Кубик хир бир томони учун топшириқ берилиб, 40-60 секунд вақт ажратилади.

Якка тартибда ишлаш тугагандан сўнг гуруҳларда муҳокама қилинади.

«Кубик» ни ҳар бир микрогуруҳдан бир вакил(сардор) тақдимот қилади.

Зигзаг – 1 усули. Бу – ўзаро ҳамкорликда (биргаликда) ўқиш усули бўлиб ҳисобланади. Уни ўтказиш методикаси қуйидагича:

Матн унинг ҳажмига боғлиқ ҳолда қисмларга бўлинади. Тингловчилар (талабалар) матн қисмларига боғлиқ бўлган ҳолда 4-6 кишидан иборат микрогуруҳларга бўлинади.

Тингловчилар ўз рақамларига мос бўлган янги (корпорацион) гуруҳларга жамланадилар. Ҳар бир гуруҳ аъзоси матннинг ўз рақамларига тегишли қисмини (1 – рақамлилар биринчи қисмини, 2- рақамлилар иккинчи қисмини ва ҳ.к.) ўқиб чиқадилар ва ўқилган қисмни баён этишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқадилар.

Тингловчилар ўзларининг дастлабки «қадрдон» гуруҳларига қайтадилар ва уларнинг ҳар бири ўзи ўқиган матн қисмини шундай баён қилиши керакки, гуруҳ аъзоларида матннинг тўла мазмуни бўйича яхлит тасаввур ҳосил бўлсин.

Айрим гуруҳ аъзолари ўз фикрларини баён қилишлари мумкин.

2.3. Мавзунинг аниқлаштирилган ўқув мақсадлари, ўқув модул бирликлари ва муаммоли вазиятлар.

“WEB дизайн асослари” мавзусига аниқлаштирилган ўқув мақсадлари, ўқув модул бирликлари ва муаммоли вазиятларни ишлаб чиқиш педагогик жараёнини ташкил этувчи қисмларининг энг муҳими, етакчиси бўлиб ҳисобланади. Педагогик

жараён, ўзининг қанчалик мураккаблиги ва давомийлигидан қатъий назар, у энг аввало мақсадни аниқлашдан бошланади. Педагогик жараённинг бошқа ташкил этувчи қисмлари (тамойил, мазмун, услуб, восита, шакл) белгиланган мақсадга бўйсунадилар. улар мақсадга мувофиқ ҳолда танланадилар ва ўзаро уйғунлаштириладилар. Педагогик мақсад - бу педагог ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасини олдиндан тасаввур этишдир.

Бу мавзуда мен “WEB дизайн асослари” айнан ишлаш принциплари тавсифларини ёритишни асосий мақсад қилиб қўйганман.

Жумладан, замонавий дарснинг таълим бериш, тарбиялаш ва талаба шахсини камол топтириш мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш йўллари бўйича маълум даражада назарий ва амалий маълумотлар мавжуд.

Хақиқатан ҳам, ўқитувчи қандай натижага эришишни хоҳлайди? “WEB дизайн асослари” мавзусини ўқитишда ўқитувчи ўз олдига уни талабаларга тушунтиришни, мазмунини ўзлаштирилишини ва бунинг натижасида талабалар уни амалда қўллай олишларига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Лекин, «тушуниш», «ўзлаштириш», «англаш», «қўллаш» дегани нимани билдиради? қўйилган мақсадга эришилганлигини ўқитувчи қандай аниқлаши мумкин? Агар талабанинг қўйилган мақсадга эришгани ёки эриша олмаганлигини аниқлаш усули мавжуд бўлса, ўқитувчи қўллаган услубларининг тўғрилигига, ўз меҳнати самарасига ишониши ёки талабалар қандай ёрдамга муҳтож эканлиги ҳақида ишончли маълумот олиш имкониятига эга бўлар эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларига таълим стандартларининг қабул қилиниши, уларда тайёрланаётган кадрларга қўйиладиган ягона талабларнинг акс эттирилганлиги натижасида ўқитиш мақсадларини аниқлаштиришга эришилмоқда.

Биз мавзуни модул бирликлари, мақсад ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўқув мақсадларини фан (курс) ва унинг бўлимлари даражасида аниқлаштириш билан чегараланамиз. Чунки, айнан мана шу жойда ўқув жараёни технологик усулда лойиҳалаш бевосита намоён бўлади. Ва айнан шу даражада ўқитувчи фан ва унинг бўлимлари устида ишлаб, ўқув мақсадларини аниқлайди ва улар асосида ўқув жараёнини ташкил этади.

“WEB дизайн асослари” мавзуси учун модул бирликлари асосан мазмунан тугал бўлакларни ўз ичига олади. Ҳар бири учун алоҳида кичик хулоса яшаш мумкин бўлади.

Мавзу билан танишиб чиқиб, дастлабки модул бирлигини қуйидагича танладим: “**WEB дизайн асослари**”. Чунки бунда мавзунини ўқиб олишда келган муаммолар ёритилган. Биринчи модул бирлиги иккинчисига ўз-ўзидан йўл очиб берган. Демак, иккинчи модул бирлигига “**Замонавий Web дизайн дастурлари**” деб ном берилди. Бунда уларни тавсифлари ва ўзаро боғлиқлик жиҳатлари и кўрсатиб ўтилган.

Учинчи модул бирлиги ўз-ўзидан маълумки, юқоридаги масалалар ҳал этилгандан сўнг, “WEB дизайн дастурларини амалий аҳамияти”ни ёритиш лозим бўлади.

Энди, педагогик амалиётда мустаҳкам ўрин олган ўқув мақсадларини аниқлашнинг қуйидаги анъанавий усуллари ҳақида тўхталамиз:

1. Мақсадларни ўрганиладиган ўқув материалнинг мазмунини орқали аниқлаш.

2. Ўқув мақсадларни ўқитувчи фаолияти орқали аниқлаш. Ўқув мақсадларини бундай усулда аниқлаш, ўқитувчининг шахсий фаолиятига қаратилган бўлиб, ишдаги тартиб ва тушунтириш ҳақида таассурот қолдиради холос. Ўқитувчи ўқув мақсадларини олинадиган натижага таққослаш имкониятига эга бўлмаган ҳолда ҳаракат қилади, чунки ўқув мақсадлари бу усулда аниқланганда олинадиган натижанинг ўзи аниқ ифодаданмаганлиги кўриниб турибди.

3. Ўқув мақсадларини талабанинг интеллектуал, ҳиссий соҳага оид ички ривожланиш жараёнлари орқали аниқлаш. Бундай ўқув мақсадлари ўқув юрти фан ёки фанлар цикли даражасидаги умумий мақсадларни ифодалайдилар, лекин улар ҳатто дарс ёки дарслар туркуми мақсадларини ҳам англатмайдилар.

Бир қарашда ўқув мақсадларини бундай ифодалашда дарсни режалаш ва ўтказишга аниқлик киритилганга ўхшайди. Бироқ, бу усулда ҳам энг муҳим кўрсаткич - ўқитишдан кутиладиган натижа эътибордан тушиб қолганга ўхшайди. Лекин бу натижа - талабанинг ўз шахси ривожланиши томон ички силжиши бўлиб, у талабанинг у ёки бу фаолиятида ўз аксини топади.

Албатта, бу самарали ғоя дастлаб кўп қаршиликларга учради. қандай усул билан ўқитиш натижасини талаба ҳатти-ҳаракатларига ўтказиш мумкин? Бу ўтказишда қатъий бир хил маънони қандай сақлаб қолиш мумкин? Бу каби муаммолар асосан қуйидаги икки хил усул билан ҳал этилганлигини қайд қилиб ўтамиз.

Ўқув мақсадларининг асосий тоифалари.	Ўқув мақсадларининг турлари
1. БИЛИШ	ТАЛАБА
Бу тоифада ўтилган материални эслаб қолиш	қўлланиладиган ибораларни

ва такроран сўзлаб (кўрсатиб) беришни англатади. Мазмуни турлича аниқ далиллардан бошлаб, то яхлит назарияларгача бўлиши мумкин. Бу тоифанинг умумий белгиси тегишли маълумотларни эслаб қолишдир.	билади, аниқ далилларни билади, иш-ҳаракат тартиби услубларини билади, асосий тушунчаларни билади, қоида ва тамойилларни билади.
2. ТУШУНИШ Куйидагилар ўтилган материал аҳамиятини тушуниш қобилиятининг кўрсаткичлари бўлиш мумкин: материални бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгартириш, бир «тил» дан иккинчи «тил»га айлантириш (масалан оғзаки шаклдан математик шаклга). Шунингдек, талаба томонидан материални тушунтириб берилиши ва қисқача баён қилиниши (интерпритация) ёки ҳодиса ва воқеаларнинг бундан кейинги боришини тасавур этиши (оқибати ва натижасини олдиндан айтиб бериши) ҳам тушуниш кўрсаткичлари бўлади.	ТАЛАБА Далиллар, қоида ва тамойил-ларни тушунади, оғзаки мате-риални талқин қила олади, схема, диаграмма, графикларни талқин қила олади, оғзаки материални математик шаклда ифодалай олади, мавжуд маълумотлар асосида кутилаётган оқибат-натижани тахминан тасаввур эта олади.
3. ҚЎЛЛАШ Бу тоифа ўқитилган материалдан аниқ шароитларда ва янги вазиятларда фойдалана билишни англатади. Бунга қоидалар, услублар, тушунчалар, қонунлар, тамойиллар ва назарияларни амалда қўллай олиш киради. Ўқитишнинг бундай натижаси материални тушунишга нисбатан анча юқори даражада эгаллашни талаб қилади.	ТАЛАБА Тушунча ва тамойилларни янги вазиятларда қўллайди, қонун, назарияларни аниқ амалий вазиятларда қўллайди, услуб ёки иш-ҳаракат тартибини қўллай олишини намоиш қилади.
4. ТАҲЛИЛ Бу тоифа материални алоҳида қисм-ларга ажратишни билишни англатади. Бунда унинг таркибий тузилиши аниқ кўриниб туриши керак. Бунга яхлитликни қисмларга ажратиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, яхлитликнинг ташкил этилиш	ТАЛАБА Яширин (ноаниқ) тахминларни ифодалайди, фикрлаш мантиғидаги хато ва камчиликларни кўраолади, далиллар ва сабаблар ўртасидаги тафовутларни аниқлайди, боғланишларни таҳлил қила олади.

тамойилларини англаш киради. Бу тоифа ўқув натижаларини тушуниш ва қўл-лашга нисбатан анчагина юқори даражада эканлиги билан характерланади.	
5. СИНТЕЗ Бу тоифа ўзида янгиликни акс эттирган яхлитликни вужудга келтириш учун алоҳида қисмлар комбинациясини тузишни англатади. Бундай янги маҳсулот-доклад, нутқ фаолият режаси ёки умумлаштирилган алоқалар мажмуи (мавжуд маълумотларни тартибга тушириш схемаси) бўлиши мумкин. Унга мос ўқув натижалари янги схема ва таркибий тузилишлар яратишни ўз ичига олган ҳамда ижодий характерга эга бўлган фаолиятни назарда тутади.	ТАЛАБА Материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида баҳолайди, хулосаларни берилган катталикларга мослигини баҳолайди, ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда, иншо ёзади, тажриба ўтказиш режасини тузади, у ёки бу муаммони ҳал этиш режасини тузишда бошқа (фан)ларга оид билимлардан фойдаланади.
6. БАҲОЛАШ Бу тоифа у ёки бу материал (қонун,бадий асар, изланиш натижалари)нинг аҳамиятига аниқ мақсад нуқтаи назаридан баҳо беришни англатади. Талаба мулоҳазалари мезони ички (таркибий, мантиқий) ёки ташқи (белгиланган мақсадга мувофиқ) бўлиши мумкин. Бу мезонлар талаба ёки ўқитувчи томонидан белгиланиши мумкин. Бу тоифа олдинги (5 та) ўқув мақсадларининг барчасини эгалланишини ва уларга қўшимча равишда аниқ белгиланган мезонларга асосланиб баҳо бера олишни ҳам билишни назарда тутади.	ТАЛАБА Материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида баҳолайди, хулосаларни берилган катталикларга мослигини баҳолайди, ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда у ёки бу фаолият аҳамиятига баҳо беради, ташқи мезонлардан келиб чиққан ҳолда у ёки бу фаолият аҳамиятига баҳо беради (муносабатини билдиради).

“WEB дизайн асослари” бўйича бир нечта муаммоли вазиятлар келтириш мумкин.

Жумладан, WEB дизайн дастурини қандай тасаввур этиш мумкинлиги бўйича муаммоли вазиятлар яратиш мумкин.

Муаммоли вазиятнинг ечими айнан берилмайди, лекин мулоҳаза юритиш орқали, талаба ҳақиқий ечимга келади.

2.4. Мавзу бўйича амалий дарснинг технологик харитаси.

Ҳар бир талаба ўзининг индивидуал хусусиятларига эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади. Педагогнинг “WEB дизайн асослари” мавзуси хусусиятларини ўрганиши ва инобатга олиши ўқитиш сифатини ошириш ҳамда ҳар бир талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Кичик гуруҳларда ишлаш махсус билимлар билан бир қаторда амалий кўникмалар ўрганилиши керак бўлганда, шунингдек талабаларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун қўлланилади.

“WEB дизайн асослари” мавзусидаги амалий дарснинг ҳар бир босқичида баҳолаб борилади. У таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, самарасини тезкор аниқлаб бориш, ўқув жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги қайтар алоқани таъминлаш имконини беради.

Технологик харита бевосита ўқитувчининг тизимли тарзда иш олиб боришига кўмак беради. Дарсни мантиқий бўлақларга бўлиб амалга ошириш сифат самарадорлигини оширади. Амалий дарсдан кўзланган натижага эришилади.

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

№	Босқичлар	Вақт	Таълим берувчи фаолияти	Таълим олувчи фаолияти	Таълим воситалари	Таълим методлари
1	Мотивация	10	Амалий машғулот мақсади ва вазифалари билан таништилади. Талабаларни фаоллаштилади. Муаммони баён этади.	Тинглайдилар. Саволлар билан мурожаат қилишади	Тарқатма материал	Ақлий ҳужум
2	Кичик гуруҳларга ажратиш	5	Кичик гуруҳларни ташкил этади ва муаммоли топшириқлар	Рангли карточкалар орқали кичик гуруҳлар ташкил этишади	Рақамли воситалар	Гуруҳий ишлаш

			беради			
3	Кичик гуруҳларда муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва оқибатлари тўғрисида фикр юритиш	20	Кўрсатмалар беради ва йўналтиради.	Ҳар бир кичик гуруҳ муаммонинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қиладилар, оқибатлари тўғрисида фикр юритадилар ва карточкаларга ёзадилар .	Флипчарт қоғози, маркерлар, Рангли карточкалар	Муаммони вазият, мунозара
4	Кичик гуруҳларда муаммо ечими бўйича иш	20	Кўрсатмалар беради ва йўналтиради, маслаҳатлар беради.	Ҳар бир кичик гуруҳ муаммони ечимини ишлаб чиқади.	Рангли карточкалар, маркер	Мунозара
4	Кичик гуруҳлар тақдими	15	Гуруҳни бошқаради	Гуруҳ ишини тақдимот қиладилар. Муаммо ечими бўйича фикр юритадилар	Пинворд ва магнитли доска	Намойиш, музокара
5	Кичик гуруҳлар ишини баҳолаш	5	Кичик гуруҳлар ишини таҳлил қилади ва баҳолайди.	Кичик гуруҳлар бир бирининг ишини таҳлил қилади баҳо-лайди, фикрлари ни баён этади.	Пинворд, доска, магнит	Ўзаро баҳолаш
6	Якуний қисм	5	Натижаларни таҳлил қилади. Камчиликлар бўйича	Саволлар беради. Мустақил иш топшириқларини ёзиб оладилар		Мунозара

			тавсиялар беради. ва амалий машғулотга яқун ясайди			
--	--	--	--	--	--	--

“WEB дизайн асослари” мавзусидаги амалий дарсни 3-4 дан кичик гуруҳларда амалга ошириш таҳлил қилиш имкониятини ошириб боради ва 1 та кичик гуруҳдан эксперт сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Мотивация талабаларни дарсга нисбатан жонлатириб, аввалги дарс билан боғлайди. Ўқитувчи баҳолашни тезлатиш учун муаммоли вазият ҳамда саволларга тўғри жавоб берганларга уч хил рангдаги ва шаклдаги карточкалар бериш мақсадга мувофиқдир.

2.5. “WEB дизайн асослари” мавзусидаги амалий дарсни ўтказиш сценарийси.

Амалий дарсни ўтказиш сценарийси сабоқнинг мақсадли кечишини таъминловчи ва унинг турли элементлари орасидаги муносабатларни тавсифловчи фаолиятлар занжирidir.

Агар дарс жараёнини ташкил этишда замонавий ахборот технологияларининг барча ташкил этувчилари мужассам бўлса ва дарсни зарур техник коммуникацион жиҳозлар ёрдамида олиб борилса, талабаларнинг мавзунини тўла ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари ортиб, мустақил фикрлаш ва изланишга бўлган интилишлари кучаяди. Айнан шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги “WEB дизайн асослари” мавзуси бўйича амалий машғулот сценарийсини кўриб ўтайлик.

Дарснинг мавзуси: “WEB дизайн асослари”.

Мазкур амалий дарс қуйидаги фаолиятлар занжиридан иборат бўлади:

- Дарснинг мақсадини эълон қилиш;
- Талабаларнинг янги мавзунини ўрганишларини рағбатлантириш;
- Мавзуга оид янги тушунча ёки ахборотларни маълум бир изчилликда, майда тугал бўлақларга бўлган ҳолда, босқичма-босқич баён этиш;
- Мавзуга оид энг асосий тушунча ва таянч маълумотларга урғу бериш, уларни ажратиш кўрсатиш ҳамда ёдда сақлаб қолиш бўйича кўрсатмалар бериш;
- Янги мавзу материалларни мустаҳкамлашга қаратилган амалий машқ ўқитувчи томонидан намоиш қилинади. Вақт тақсимооти эса:

Дарснинг тури: амалий

Вақт тақсимоти: ташкилий қисм - 3 минут

Ўтилганларни такрорлаш – 7 минут

Амалий машғулотларни бажариш – 20 минут

Интерфаол стратегиялар – 20 минут

Ўйин воситаларини қўллаш – 10 минут

Мустаҳкамлаш – 15 минут

Уйга вазифа ва дарсни яқунлаш – 5 минут

Педагогик жараён ўзининг қанчалик мураккаблигини ва давомийлигидан катъий назар, у энг аввало мақсадни аниқлашдан бошланади. Педагогик мақсад педагог ва талабани ҳамкорликдаги фаолияти натижасини олдиндан тасаввур этишдир. Талабанинг қўйилган мақсадга эришган ёки эриша олмаганлигини аниқлангандан сўнг, ўқитувчи қўллаган услубларининг тўғрилигига, ўз меҳнати самарасига ишониши ёки талабалар қандай ёрдамга мухтож эканлиги ҳақида ишончли маълумот олиш имкониятига эга бўлади. Аввало ўқув мақсадларига мувофиқ бўлган шахс фаолияти соҳаларини тавсифлаб ўтамиз.

1. Когнитив (билишга оид) соҳада. Бу ўқилган материални эслаб қолиш ва уни такроран айтиб беришдан бошлаб, то ўзлаштирилган билимларни тўла англаб, уларни олдин ғоя, услуб ва ҳаракат усуллари билан уйғунлаштириб, тасаввур этиш, ҳамда билимларни эгаллашгача бўлган муаммоларни ҳал этилишни ўз ичига олади. “WEB дизайн асослари” мавзусини ўзлаштириб бўлгандан сўнг талаба когнитив соҳада:

- WEB дизайн дастурини асосий тузилиши, жиҳатлари, мавжуд бўлган характерли томонлари ҳақида умумий тушунчаларга эга бўлади;
- WEB дизайн асосларини билади;
- WEB дизайн асослари га хос хусусиятларини билади;
- WEB дизайн асослари ҳақида умумий маълумотга эга бўлади.

2. Психомотр (ҳаракатга оид) соҳа. Бу соҳага у ёки бу ҳаракат фаолиятида ҳаракат йўналишларини тез ва чакқон ўзлаштириш, асаб мускулларини мувофиқлаштириб бошқаришни шакллантиришга оид мақсадлар киради. Бу соҳада талаба:

WEB дизайн асосларини билиб ўрганиб, уни амалиётга қўллайди;

- WEB дизайн дастури вазифалари ва тузилишларига қараб, турларини ажрата олади, улардан амалиётда фойдалана олади;

3. Аффектив (ҳиссиётга оид) соҳа. Аффектив соҳада оддий идрок қилиш, қизиқиш, қадриятлар йўналишлари ва муносабатларни ўзлаштиришга тайёр бўлишдан тортиб, то талабани атроф – муҳитга нисбатан ҳиссий шахсий муносабат

йўналишини шакллантирувчи мақсадлар киради. Қизиқиш ва мойилликни, у ёки бу кечинмаларга ҳамдард бўла олиш воқеаларга бўлган муносабат, уни англаш ва фаолиятда намоён бўлишини шакллантириш мақсадлари ана шулар жумласидандир.

Бу соҳада талаба:

“WEB дизайн асослари” ни ўрганишда ишлашнинг жуда осон ва фойдаланиувчи учун қулай имкониятларга эгаллигини ҳис қилади;

“WEB дизайн асослари” мавзусини ўрганиш бўйича ишлашга қизиқиши ортади, уларни янада чуқурроқ ўрганиши зарурлигини англайди.

Дарснинг ўқув мақсадлари аниқлаштирилгандан сўнг ўқитувчи ва талабалар бу мақсадлар амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қиладилар. Мақсадларнинг аниқ, тартибли ва иерархик туркумини яратиш, аниқлаш, муҳимдир. Бунинг сабаблари қуйидагича:

- Ўқув жараёнида эътиборни асосий мақсадга қаратилади. Ўқитувчи таксономиядан фойдаланган ҳолда нафақат ўқув мақсадларини, балки асосий вазифаларни, бундан кейин ўқув фаолиятини тартиби ва боришини ҳам белгилаши мумкин.

- Ўқитувчи ва талабалар ҳамкорликдаги фаолиятининг аниқлиги ва ошқорлиги. юқори даражадаги резервли нусха кўчириш қурилмаларини ўрганиш бўйича аниқ ўқув мақсадлари ўқитувчи учун талабаларга, уларнинг умумий фаолиятидаги асосий йўналишларни тушунтириш, муҳокама қила олишга ихтиёрий қизиқувчи шахслар(ота-оналар, текширувчилар) улар ҳам аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлаш имкониятини беради.

- Ўқитиш натижаларини баҳолаш андозаси (эталонлар яратиш). Фаолият натижалари орқали аниқ фойдаланган ўқув мақсадлари, уларни ишончли ва ҳолисона баҳолаш имкониятини яратади. Бундай эталон фақат ўқитувчи томонидан яратилиши шарт эмас. Уни талабалар билан ҳамкорликда (демократик) яратиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади

Дастлаб ташкилий қисм ўтказиб олинади, талабалар давомати, уларнинг дарсга тайёргарлиги назорат қилинади.

Аввалги дарсда топшириқ қилиб берилган вазифа, керакли тартибда назорат қилинади. Ўқитувчи режа асосида назорат саволлари бериб, талабалар фикрини эшитиб, уларнинг фикрларини мустаҳкамлайди ва тўдирилади. Шу ўринда Блум саволларидан фойдаланишни ташкил қилиш мумкин. Кузатишлар ва педагогик адабиётларни таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики талабаларнинг фикрлаш

қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим омили бу – ўқитувчининг уларга ва талабаларнинг бир-бирига берадиган саволлари экан. Таъкидланишича, ўқитувчиларни талабаларга берадиган саволларининг 80-85 фоизи, фақат далилий билимларни талаб қилиб, улар жавоб беришда хотирада қолганларини такроран сўзлаб бериш билангина чекланар эканлар.

Дарс давомида шунингдек, турли дидактив ўйин воситалари ва мустаҳкамлаш учун қўшимча топшириқлар ёки тест саволлари берилиши мумкин. Машғулот сўнггида дарс қисқача таҳлил қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, самарали ўтказилган дарс машғулоти ундан кўзланган мақсадларга тўла қонли эрилишини ва натижада талабаларда мустаҳкам билим ҳосил бўлишини кафолатлайди.

Таълим тизимининг бу ноанъанавий тури талабаларни якка тартибда ҳам, гуруҳ таркибида ҳам фаол ва жадал таъсир этишни таъминлайди. Бунда ўқитувчи фақатгина ўқув ахборотларини осон ўзлаштиришга кўмаклашувчи сифатида намоён бўлади.

Микрогуруҳларда ишлаш стратегиясининг аҳамияти шундаки, унда топшириқни бажаришда барча талабалар иштирок этади ва уларнинг ҳар бири сардор бўлиш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи эса ҳар бир талаба билан якка тартибда ишлаш учун кўпроқ имкониятга эга бўлади.

Юқоридаги наъмуналарга энг яқин деб ҳисобланган яхши ва тўғри бажарилган вариантлар эгалари машғулотдан сўнг рағбатлантирилади.

Дарс давомида шунингдек, турли дидактив ўйин воситалари ва мустаҳкамлаш учун қўшимча топшириқлар ёки тест саволлари берилиши мумкин. Машғулот сўнггида дарс қисқача таҳлил қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, самарали ўтказилган дарс машғулоти ундан кўзланган мақсадларга тўла қонли эрилишини ва натижада талабаларда мустаҳкам билим ҳосил бўлишини кафолатлайди.

Таълим тизимининг бу ноанъанавий тури талабаларни якка тартибда ҳам, гуруҳ таркибида ҳам фаол ва жадал таъсир этишни таъминлайди. Бунда ўқитувчи фақатгина ўқув ахборотларини осон ўзлаштиришга кўмаклашувчи сифатида намоён бўлади.

Хулоса

Ушбу БМИда “Маҳалла фуқаролар йиғинини WEB сайтини яратиш (Наманган шаҳар МФЙ мисолида)” мавзуси бўйича дастур таъминоти яратилди. Бу дастур таъминоти асосида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

-демократик тамойилга асосланган бизнинг жамиятимизда МФЙ фаолиятида ошкораликни вужудга келтириш мақсадида маҳаллани Web сайтини яратиш алоҳида аҳамиятга эгаллиги, шу маънода мавзу долзарблиги асосланди;

-масаланинг ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар таҳлил этилиб, -масалани қўйилиши асосланди ва Web сайт яратиш имкониятлари келтирилди;

-WEB сайтини яратишда фойдаланиладиган дастурий воситалар таҳлил этилиб, МФЙ WEB сайтини яратиш технологиясига биноан сайтни яратиш учун маҳалла фуқаролар йиғини структураси асосидаги унинг бўлимлари шакллантирилди;

- WEB сайти намоиши учун информацион таъминотини ишлаб чиқилди;
- маҳалла фуқаролари йиғини WEB сайтини намоиш этиш учун зарур бўлган дастурни ишлаб чиқилди ва уни ишга туширилиб, Интернет тармоғига уланган ҳолда синовдан ўтди;

-WEB сайтидан фойдаланиш йўриқномасини ишлаб чиқилди;

-WEB сайти дастурини таннархи ва сотув баҳосини аниқланди;

Юқорида келтирилган дастур имкониятлари асосида маҳалла фаолияти ва фуқароларининг ютуқлари ҳамда дунё ҳамжамиятига бўлган муносабатлари ва ҳис туйғулари, интилишлари, истаклари ва бошқаларни рўёбга чиқариш имконияти яратилди.

- мавзуга оид амалий дастур таъминоти мавжуд;

- мавзуга оид адабиётлар мавжуд.

Яратилган дастур таъминотини қатор афзаллик ва қулайликларини қуйидагиларда ифодалаш мумкин.

- МФЙ ходимлари ҳақидаги маълумотларни сақлаб қолиш имкониятлари мавжуд;

- МФЙ ходимлари ва бўлимлар ҳақидаги маълумотлар фуқаролар талабига биноан доимо ўзгартиш имкониятининг мавжудлиги;

- дастур интерфейсининг содда, тушунарли ва қулай тарзда яратилганлиги дастурдан фойдаланувчилар ўз эҳтиёжлари йўлида бемалол фойдаланиш имкониятини беради.

Хулоса ўрнида яна шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозирги ахборот асрида фуқароларнинг эҳтиёжлари асосида МФЙ Web сайтига ахборотларни жойлаш ва улардан фойдаланиш масалалари бундан буён ҳам янада долзарб бўлиб бораверади. Чунки, ҳозирги кунда ахборотлар оқими янада кўпаймоқда (бунда айниқса Интернетнинг ҳиссаси катта) ва ахборотлар билан ишловчи ва уларга қизиқувчи фуқаролар сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Юқоридаги келтирилганлар асосида мен қуйидагиларни тавсия этаман:

МФЙ кенгаши тавсиясига биноан маҳаллада яшовчи намунали қариялар(халқ қаҳрамонлари ва бошқалар) ва ёшлар ҳақидаги(спорт чемпионлари) маълумотларини МФЙ Web сайтига жойлаштириш ва уларни намойиш этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

I. Қонунлар.

1. «Ахборотлаштириш тўғрисида», 2003 йил 11 декабрь, 560-II-сон- "Адолат". 2003й.
2. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида"ги қонун. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 21-сон – Т. "Адолат". 2013й. 113 бет.
3. "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларида тезкор қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида", 2007 йил 12 июль, ЎРҚ, 101-сон.

II. Президент фармонлари ва Қарорлари.

5. «Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил 24 январь, ПФ- 557-сон .
6. "Замонавий ахборот коммуникация технологияларини такомиллаштириш ва уни келгусида қўллаш режалари" ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2012 йил 21 мартда **ПҚ- 1730** Қарори.
7. "2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфра тузилмасини ривожлантириш " комплекс Дастури ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2013 йил 27 июндаги Қарори/“Халқ сўзи”, 2013 йил 24 сентябрь, 188-сон, 1 бет.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишлари ва Қарорлари.

11. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори "Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" (Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 30-сон, 252-модда; 2012 й., 36-сон, 412-модда)
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот- коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисидаги 1730-сонли қарори асосида 2012-2014 йиллар даврида "Маҳалла", "Фуқаролар йиғини"(5 банд.) тизимида ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тизимлаштириш ва сақлаш ишларини амалга ошириш. Мабул, "Маҳалла" жамғармаси, маҳаллий ҳокимят.4-чорак, 2014 йил.

IV. Асосий адабиётлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" деб номланган китобини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2011.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш бўйича тарқатма материал, Тошкент – 2013.

17. M.Aripov va boshqalar Axborot texnologiyalari/uquv qo'llanma/-T. "Noshir"-2009, 368bet.

18. С. С. Қосимов Ахборот технологиялари/ўқув қўлланма.- Тошкент”Алоқачи” – 2006, 370бет.

19. Алимов Р Х Ахборот технологияси ва тизимлари/ Дарслик (Лотин); Ворис; Тошкент; 2011; 240 бет.

20.А. Аҳмедов Маҳалла фуқаролари йиғини тизимининг намунавий тузилмаси ва иш юритиш усуллари/ амалий қўлланма.- Тошкент-2007, 111 бет.

22. Маҳалла: норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.- Т. 2007 й.

23.Ш.Жалилов Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тарбиявий ишларни олиб бориш.- Т."ОЎМТВ",2003 й. 53-бет.

24.Арипов А. "Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари", Тошкент, 2005, 204.

28.С. С. Ғуломов, ва бош. «Ахборот тизимлари ва технологиялари». Тошкент. «Шарқ». 2000 й.

1.О.Жакбаров, А. Жумабоев «Web технологиялари» фанидан тажриба машгулотларни бажариш учун услубий кўрсатма.- Наманган: НамМПИ,2010

2.А. Жумабоев «Web технологиялари» фанидан тажриба машгулотларни бажариш учун услубий кўрсатма.- Наманган: НамМПИ,2010.

3. О.Жакбаров «Web технологиялари» фанидан ўқув-услубий комплекс.- Наманган: НамМПИ, 2013.

4.О.Жакбаров «Web технологиялари» фанидан тажриба машгулотларни бажаришда “FrontPage 2000 дастури”дан фойдаланиш учун услубий кўрсатма.- Наманган: НамМПИ,2013.

5.О.Жакбаров «Web технологиялари» фанидан тажриба машгулотларни бажаришда“Flash MX дастури”дан фойдаланиш учун услубий кўрсатма.- Наманган: НамМПИ,2013.

6. «Flash I Delphi» для профессионалов/Интернет маълумотлари-2013.

7.Д.Гурский Для профессионалов Action Script 2,0(Программирование во FlashMX 2004)/ Интернет маълумотлари-2013.

29.Иқтисодий билимлар асослари/профессор Х.Т. Ахмадхўжаев таҳрири остида, ўқув қўлланма.- Наманган, 2002, 72-110бетлар.

30. Ш. Абдурахмонов Педагогик технологиялар/Ўқув қўлланма/- Наманган «НамМПИ» – 2008.

31. Д.Тожибоева Махсус фанларни ўқитиш методикаси, ўқув қўлланма Т.: «FAN VA TEXNALOGIYA», 2007. 541 бет.

32. Раҳмонова Ё.Р. Раззоқов Д.Н. Педагогик технологиялар/ ўқув қўлланма/- Тошкент “ТТА” ,2007йил

33. Ишматов Қ. Педагогик технология асослари (Илғор педагогик технологиялар) Ўқув қўлланма Наманган, НамМПИ.-136 б.

V. Газета ва журналлар

38.Ш.Нортожиев Ахборот асри ва илғор технологиялар/ Газета , “Халқ сўзи”, 2014й. 21 февраль, 37-сони, 2бет.

39.Ф.Отаханова Электрон ҳукумат: афзалликлари ва самаралари/ Газета , “Наманган ҳақиқати”, 2014й. 22 февраль, 16-сони, 1бет.

38.О.Файзиев Ахборот коммуникация технологиялари мамлакат равнақида муҳим аҳамиятга эга/ Газета , “Халқ сўзи”, 2013й. 24 сентябрь, 188-сони, 1-2бет.

40. С.Хашимов. Технология создания программного продукта «OIPAS» на основе СУБД Delphi // Ершовская конференция по информатике, труды НПО 2011, 27-июня- 1-июля 2011года, Академгородок, Новосибирск, Россия.

41.С. Хошимов Автоматизированная система сбора и обработки информации «Namangan oilasi» //междисциплинарные исследования в науке и образовании. 2012. №1. К; URL: [www. Es.rse.ru/mino/158-1086](http://www.Es.rse.ru/mino/158-1086). Междисциплинарные Академия Наук Украина.

42.С. Хашимов, Ф. Ирискулов, К. Усманов(удк 681.3(075) Роль и значение использования компьютерных технологий в деятельности органов самоуправления граждан (на примере махаллинских сходов граждан Наманганской области), IV международной научно-практической конференция, **«Информационно-коммуникационное пространство и человек»**, ООО Научно - издательский центр «Социосфера», 15–16 апреля 2014 года. Форма проведения конференции – заочная (это не отражено в сборнике). Сборник будет издан в чешском издательстве Vědecko vydavatelské centrum «Sociosféra-CZ» (Прага). Сборник будет размещен в РИНЦ.

У.Ахмедов “Касбий таълим” йўналиши талабаларига замонавий таълим беришда ахборот ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланишнинг роли. “Олий ўқув юрти талабаларида мустақил таълим ўқув фаолияти кўникмаларини ривожлантириш муаммолари” республика илмий- амалий конференция материаллари тўплами, Наманган шаҳри, 22- 23 ноябрь, 2013й.

У.Ғойипов, И.Алиханов JOOMLA-WEB иловасини ўрнатиш ва созлаш. “Олий ўқув юрти талабаларида мустақил таълим ўқув фаолияти кўникмаларини ривожлантириш муаммолари” республика илмий- амалий конференция материаллари тўплами, Наманган шаҳри, 22- 23 ноябрь, 2013й.

Д.Д. Инамов(ЎМКХТТКМО ва УҚТИ) Битирув малакавий ишини тайёрлашни бажариш механизми сифатида талаба ва илмий раҳбарнинг ўзаро алоқаси. “Касб хунар коллежларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишда илғор педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш” республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. 24 - 25 май, 2013й.

М.Х. Шомирзаев, У.Ч. Эшқориев, А. Эсонқулов(ТермДУ) Махсус фанларни ўқитишда визиуллаштириш асосларини қўллаш. “Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси муаммолари” республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. 29 - 30 май, 2008й.

Интернет маълумотлари:

<http://www.aci.uz/>-узбекское агентство связи и информатизации

Сеть **UzSciNet** - это тысячи компьютеров и десятки тысяч пользователей ученых, преподавателей, студентов. Основные направления деятельности

<http://www.E-kommunal.uz/>- Коммунал хўжалик ва уй-жой фондининг e-kommunal.uz. портали

<http://www.uzinfocom.uz> - Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий

<http://www.ziyonet.uz/> - информационный образовательный портал

ula.uzsci.net - Библиотечная Ассоциация Узбекистана. Информационно-методический центр для библиотечных ассоциаций и библиотек республики.

[WWW. Виртуал кутубхонаси http://www.vlib.org/](http://www.vlib.org/). Бу кутубхона турли туман маълумотларни ўз ичига олади: кишлок хўжалиги, иктисод ва бизнес, компьютер технологиялари ва бошқалар.

<http://vcu.library.edu> Virgina Commonwealth University электрон кутубхонаси
[WWW. Library.wustl.edu](http://WWW.Library.wustl.edu)-Вашингтон Университети Виртуал кутубхонаси.